2016 йил — Соғлом она ва бола йили

O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 6-yanvar, chorshanba * № 1 (960) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat. uz * www. uzhurriyat. uz

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

» 30 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

» 31 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

» 1 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табриги матбуотда эълон қилинди.

» 1 январь Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

» Янги – 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи компаниялар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юбордилар.

» 5 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.






# ЧАҚАЛОҚ ҲИДИ

*... Лола минг бир ҳаяжонда туғруқхона остонасига қадам қўяркан, аввало Яратгандан нажот сўради. Шифокорлардан мадад кутиб, омон-эсон кўзи ёришига умид қилди.*

*Бўлажак онани қабулхонада навбатчи шифокор ва ҳамширалар очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Уларнинг "Ҳаммаси яхши бўлади, фарзандингиз соғ-саломат дунёга келиши ҳақида ўйланг", деган гаплари куч ва таскин берди...*

Пойтахтимиздаги 7-туғруқ мажмуасида иш қизғин. Шифокор Умида Рустамованинг навбатчиликдаги иш жараёнини кузатиб, бунга амин бўлдик. Тажрибали мутахассис ҳомиладор аёлларга тез ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш, туғилажак болаларнинг соғлом дунёга келиши учун зарур барча юмушларни ўз вақтида, сифатли бажаришга киришган.

— Шифокорлик, айниқса, доялик ўта масъулиятли ва шарафли касб, — дейди У.Рустамова. — Чақалоқнинг беғубор «инга»сини эшитишингиз билан қалбингизда аллақандай ёруғлик пайдо бўлади. Бу биз учун энг катта қувонч! Биласиз, она бўлиш буюк бахт. Соғлом фарзандини бағрига босган онани кўрганимизда ҳаракат ва меҳнатларимиз зое кетмаганига ишонч ҳосил қиламиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Зеро, у туфайли одамзод эзгу орзу-интилишлар билан яшайди. Шу боис соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши мамлакатимиз келажаги бўлмиш баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги яна бир залворли қадамдир.

7-туғруқ мажмуасида бўлажак она ва гўдаклар учун барча шарт-шароит яратилган.

— Туғруқхонамизда тиббиётнинг янгича даволаш усуллари, жаҳон андозаларига мос технологиялар амалиётга татбиқ этилган, — дейди чақалоқлар бўлими мудири Ҳилола Тоҳирова. — Мажмуамизда эрта дунёга келган гўдаклар учун алоҳида реанимация бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда чақалоқ худди она қорнидагидек муҳитда, яъни вакуумда парваришланади. SPAP ускунаси ёрдамида унга узлуксиз кислород етказиб берилади. Бундан ташқари, бўлажак она юрак хасталиги, буйрак етишмовчилиги, жигар, қандли диабет каби касалликларга чалинган бўлса, кардиотокограф аппарати ёрдамида гўдакнинг юрак уришини она қорнидаёқ назорат қиламиз. Ушбу замонавий мослама юрак ритми ва ундаги ўзгаришларни жуда аниқ кўрсатиб бериши билан аҳамиятли.

...Шифокорлар яна бир қувончни қарши олишди! Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи Лола Аҳмаджонованинг биринчи фарзанди дунёга келди. Оналик бахти ва ҳаяжонидан энтиккан аёл чақалоғини бағрига босаркан, унинг соғ-омон туғилганидан қалбида чексиз мамнунлик ва шукроналик ҳиссини туйди.

Шифокор "Болангизнинг вазни 3,5 килограмм, бўйи 51 сантиметр, текширув натижаларига кўра, у ҳар томонлама соғлом", деди. Ёш она боши осмонга етгудек хурсанд бўлиб, қувончдан кўзларига ёш тўлди. Дилбандини тўққиз ой вужудида кўтариб юрган кунлари ёдига тушаркан, унинг соғлом дунёга келиши учун барча зарур амалларни бажаришида қўллаб-қувватлаган оиласидан, турмуш ўртоғидан миннатдор бўлди. Мунтазам шифокорлар назоратида бўлиш, тўғри овқатланиш, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш — буларнинг бари бугунгидек тенгсиз саодатга эришишида муҳим аҳамият касб этди.

— Врач ва ҳамширалардан миннатдорман, уларнинг ширин сўзи, далдаси менга куч берди, — дейди Л.Аҳмаджонова. — Биз, оналарнинг бахтимизга юртимизда шундай фидойи касб эгалари, маҳоратли мутахассислар кўпаяверсин!

— Туғруқхонамизда қирққа яқин шифокор ва бир юз олтмиш ҳамшира фаолият юритмоқда, — дейди туғруқхона бош шифокори вазифасини бажарувчи Шаҳло Тошхўжаева. — Бугун ҳар бир бола ва она алоҳида ҳамшира назоратида бўлмоқда. Ҳамшираларнинг билимини бойитиш мақсадида ҳар ҳафта ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар ўтказилади. Интерфаол усулда ташкил этиладиган ушбу дарслар орқали мутахассислар бўлажак онага юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш сирларини амалий мулоқот ва воситалар ёрдамида ўрганиб бормоқда.

...Боласини бағрига босганча ором олаётган она. Навбатчи шифокор уларнинг ҳар иккисига мамнун боқаётганини кузатар эканмиз, ич-ичидан енгил тортгани, барча чарчоғи унут бўлганини ҳис қилдик. Яна бир ёш оиланинг шодлигига шерик бўлгани, энг муҳими, зиммасидаги бурчни адо этганидан кўнгли хотиржам эди, шифокорнинг.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**
**А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат**

» Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Соғлом она ва бола йилида фуқаролик жамияти институтлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Кўрилаётган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари натижасида фуқаролик жамияти институтлари барқарор ривожланиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 8300 дан зиёд ННТ фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир.

3

» Болалар спорти



## СПОРТ

### ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

*Ҳар гал истеъдодли ёшларимизнинг халқаро спорт мусобақаларида эришган ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда беихтиёр тўлқинланиб кетамиз, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Бундай лаҳзаларнинг аҳамиятини, очиғи, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар замирида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор мужассам.*

8

Ҳурматли муштарийлар,

2016 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна бўлганингиз билан қутлаймиз. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www. uzhurriyat. uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



» 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

### ЯНГИ УЙЛАРДА

*Юртдошларимизнинг аҳил-иноқ яшаб, тўю тантана, байрамларни баҳамжиҳат ўтказиши мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон турмуш шарофатидандир. Бунда мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳиссаси катта.*

*Кўплаб ҳарбий хизматчиларнинг оилалари Янги йилни қўшалоқ байрам қилмоқда.*

2



**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Мана, орадан йиллар ўтди. Ҳа демай миллий армиямиз ташкил этилганига ҳам 24 йил бўлади. Буни 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз.

Инсоннинг нияти ўзига ҳамроҳ, ҳамма нарса ниятга яраша. «Яхши ният — ярим давлат», деганлари шундан. Ҳар ишни бошлаганда ният холис бўлса, саъй-ҳаракатлар рисоладагидек натижа бераверади.

Ҳар қандай ниятнинг ҳам ўз сабаби бўлган, албатта. Мен Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиб, вояга етганим учунми, фикру зикримда ҳарбийликка мойиллик устун бўлган. Жанговарлик, жасурлик, қатъиятлилик хислатларини ўзимга мезон қилиб ўсганман.



# ТИНЧЛИГИМИЗ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Табиийки, бизнинг айни кучга тўлган, орзу-ҳавасли йилларимиз ниҳоятда сермашаққат ва заҳматли йиллар ва йўлларни ўз ичига олган, ўзидан бир умр унутилмас ғам-ташвиш, сабоқли хотиралар қолдиргач, мамлакатимиз мустақиллика эришган Миллий армиямизнинг ташкил топиши ва шаклланиши, шубҳасиз, қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бундан руҳланиб, ёшларга ҳаётий тажрибам ва билимимни ўргатиш, қўлимга қалам олиб, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида «Ўзбекистон посбонларимиз!», «Ассалом, она юрт, қутлуғ Армиям», «Ватанга қасамёд» деб аталган қўшиқлар яратдим. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз мудофаа қобилияти ва салоҳиятини янада ошириш, ёшларимизни элсеварлик, мардлик, жасурлик, бурчга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашга камтарона ҳисса қўшиш кўнглимга ҳузур бағишлайди. Бурч шуни тақозо қилади.

Кейинги йилларда қуролли кучларимизда изчил ислоҳотлар, оламшумул ўзгаришларга юз бермоқда. Бу мустақиллигимиз меваси, мард, фидойи, баҳодир посбони ва қалқони бўлган ҳарбийларимизга она Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишлари учун берилган имкониятдир. Улар энди мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси, ҳудуди ва сарҳадларини турли бало-қазо, офат, фалокат, ёвуз кучлар тажовузидан ишончли қўриқлаш шарафига эгадирлар. Шу маънода ҳозирги кунда буюк истиқлол шарофати билан ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзи туғилиб ўсган Ватанида, миллий армиясида яйраб-яшнаб хизмат қилаётганидан бениҳоя фахрланаман.

Очиғини айтсам, авваллари ота-оналар ўз фарзандларини қандай қилиб армияга жўнатмаслик чора-тадбирларини излашга мажбур эдилар. Бугун бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Қайси ота-она билан сўзлашманг, улар фарзанди армияга боришини астойдил истаяпти. Сабаби, аскарликка ҳарбийларимиз юксак жисмоний, ақлий, интеллектуал салоҳиятни эгаллашаётгани, шахс сифатида жасур ва мард инсонлар бўлиб камолга етаётганларидир, юртимизнинг турли минтақаларида уларнинг оилалари учун қулай ва шинам уй-жойлар, маданий-маиший, спорт ва тиббий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани, умуман, улар Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оталарча ғамхўрлигу эътибордан хабардор ҳамда миннатдордирлар.

Демоқчиманки, ўтган тарихан қисқа давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли изчил ислоҳотлар, ҳарбийларга оид бир қатор қонунларнинг такомиллашуви туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ, техника билан таъминланган, жанговар қобилият, юксак тайёргарликка эга профессионал миллий армиямиз шаклланди. Қуролли кучларимизни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти, қиёфаси тубдан ўзгарди. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими?

Шундай экан, ҳаётимизга янгича маъно, мазмун бахш этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, қарзимиз ва фарзимиздир. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган нохушликлар, ҳарбий қарама-қаршилик, можаролар, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби иллатлар биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади.

Гапнинг сирасини айтганда, миллий армиямиз мустақиллигимиз таянчи, суянчи, фахримиз ва ифтихоримиз экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо бўлишига иймонимиз комил. Зеро, миллий армиямиз юртимизнинг ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир!

**Искандар РАҲМОН,**
**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши Фахрийлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи аъзоси, фахрий**

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

## ЯНГИ УЙЛАРДА

Бошланиши 1-бетда

Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

— Қувончимни сўз билан ифодалаш қийин, — дейди шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Қаҳрамон Авезов. — Янги йилни янги уйда кутадиган бўлдик. Бу оиламиз учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Янги йил Ўзбекистондаги ҳар бир оилага улкан бахт ва омад келтирсин, энг асосийси, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва осойишталик мустаҳкам бўлсин.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида яшовчи Муҳаббат ая Янги йил байрамини набиралари билан бирга ўтказиш ниятида ўғлиникига келди.

— Ҳар бир она фарзанди эл-юрт корига ярайдиган, Ватанини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб улғайишини истайди, — дейди Муҳаббат Ҳамроқулова. — Сарҳадларимиз дахлсизлиги ва юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган йигитлар орасида менинг ўғлим ҳам борлигидан фахрланаман. Юртбошимизнинг болаларимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан ўзимда йўқ қувондим, кўзларимга севинч ёшлари келди. Фарзандларимнинг бахтиёрлигини кўриб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, фаровон ҳаётимизга шукрона айтаман.



Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида шундай сўзлар бор: "Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган".

Бугун бу устувор вазифаларнинг амалдаги ижросини кўрмоқдамиз. Замонавий турар жой бинолари, қисм ва бўлинмаларда бунёд этилаётган ётоқхоналар, барча қулайликларга эга ҳарбий шаҳарчалар Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси таъминланаётганидан далолатдир.

Кичик сержант Сирожиддин Рўзиев ҳаётида бу йил бахт ҳам, қувонч ҳам қўшалоқ бўлди. Йилнинг хосиятини қаранг, у 2015 йилда Таиландда ўтказилган шарқ якка курашлари бўйича жаҳон ўйинларида чемпион бўлди. Америка қитъасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидан унга хонадон ажратилди.

— Йигитлик бурчимни ўтаётганимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғониб, ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлашга қарор қилдим, — дейди Марказий ҳарбий спорт клуби мураббийи С.Рўзиев. — Орзуларим амалга ошди. Йирик мусобақаларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Икки нафар фарзандим бор. Тўрт хонали шинам янги уйга эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Барча қулайликларга эга уй калитларини қабул қилиб олаётганимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътиборни яна бир бор яққол ҳис этдик. Бундай юксак ғамхўрлиги учун Президентимиздан миннатдормиз.

Сирожиддиннинг фарзандлари ҳам спорт билан шуғулланади. Яқинда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилган шашка мусобақасида олти ёшли Фаридун иккинчи ўринни эгаллади.

— Уйимиз чиройли, хоналари кенг, — дейди саккиз ёшли Паризода. — Янги уйга кўчиб ўтишимиз билан дадам бизга компьютер совға қилди. Уйимиз яқинидаги гимнастика тўгарагига қатнаяпман.

Бугун мамлакатимизда ана шундай бахтиёрлик оғушида яшаётган оилалар кўп. Подполковник Ҳайрулла Норбоев оиласи улардан бири.

— Янги уй бизга жуда катта шодлик олиб келди, — дейди Х.Норбоев. — Айниқса, фарзандларимизнинг қувончини айтмайсизми?! Бу ғамхўрликка жавобан юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

— Янги хонадонимизда барча шароит яратилган, — дейди унинг турмуш ўртоғи Чарос Исмоилова. — Келажакда икки фарзандимнинг ўқишидан ҳам кўнглимиз тўқ — мактаб ва мактабгача таълим муассасаси шундоқ уйимиз ёнида жойлашган. Кайфиятимиз байрамона, чунки Янги йилни янги уйда кутамиз.

Ҳа, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кундан-кунга чирой очмоқда. Бу — изчил ислоҳотлар меваси. Ундан ҳарбийлар оилалари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Суратларда:** подполковник Хайрулла Норбоев фарзанди билан; шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Қаҳрамон Авезов турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан.*

**Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган суратлар**

# Китоб бу — 7 кун мўъжиза

Замонавий техника ва технологияларнинг тараққий этиши туфайли кўплаб соҳалар тез суръатларда ривожланмоқда. Айниқса, мобиль телефонларнинг сўнгги русумлари кўплаб вазифаларни ўзида жамлаб, газета, телевидение, ҳатто китоб ўрнини босаётир. Буларнинг барчаси, албатта инсонга қулайлик яратишга хизмат қилади. Бироқ электрон китоблар оддий китоб ўрнини боса оладими?

Бу борада соатлаб баҳс юритиш мумкин. Қўлингиздаги митти аппаратга бутун бошли кутубхонани сиғдириш имконияти бор. Аммо улар инсонда китобчалик ҳис-туйғу уйғота олармикан? Буни фақат қўлга олиб ўқилган китоб орқали ҳис этасиз. Техника қанча тараққий этмасин, китобларнинг аҳамияти бир он ҳам сусаймаётганига сабаб шу бўлса ажабмас.

Бугун юртимиз китоб дўконлари, кутубхоналар, турли китоб кўргазмаларида ёшу қари одамлар гавжумлигини кўриб дилингиз ёришади. Бу аҳолининг китоб мутолаасига қизиқиши ортиб, маънавияти юксалиб бораётганига ишорадир.

Кейинги йилларда нашр этилаётган китобларнинг полиграфик сифати ва дизайни мамлакатимизданоширлик ва матбаа саноати изчил ривожланаётганидан ҳамда китобхонлик маданиятининг юксалаётганидан далолат беради. Албатта, бунда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг муносиб ҳиссаси бор. Тизимдаги нашриёт, матбаа корхоналарида модернизация ишларининг жадаллашгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва диверсификация масалаларига алоҳида урғу берилиши натижасида бугунги кунда чоп этилаётган китоблар савияси, адади, уларни ўқувчиларга етказиб бериш тартиби бутунлай янгиланди. Вилоятларда фаолият юритаётган матбаа корхоналари буткул замонавийлаштирилди.

Бундан ташқари, юртимизда ишбилармонлик муҳитининг яратилгани ҳам ноширлик ишларининг тез суръатларда ривожланишига омил бўлаётир. Бу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларимиз ҳам ҳалол рақобат руҳида иш олиб бориб, бир-биридан қолишмайдиган китобларни нашр этишяпти. Бу эса ўқувчиларнинг танлаш имкониятини яхшилаб, сифатли ва арзон маҳсулот харид қилишига замин яратмоқда. Соҳанинг янада тараққий этишида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан республикамиз нашриётлари ўртасида қарийб етти йилдан буён ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши китоби» кўрик-танловининг ҳам ўз ўрни бор. Унда «Ижтимоий — сиёсий адабиёт», «Ватан тарихи», «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «АРТ китоб», «Маънавий — маърифий адабиётлар», «Илмий фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар» каби йўналишлар бор. Танловда 1,2,3 ўринларга муносиб топилган нашриётлар дипломлар ва турли туман совринларни қўлга киритишмоқда. Бу эса соҳа ходимларини янада иштиёқ билан ишлашга ундайди.

Республикамиз аҳолиси, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ижодкорлар ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида республика «Китоб байрами» ўтказиб келмоқда.

Сайил тарзида ташкил этиладиган байрам тадбирларида адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдимотлари, «Намунавий китоб дўкони» республика кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ҳамда таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади. Бу анъана китобхонлар сонининг ортишига, китобга бўлган меҳрнинг кучайишига замин яратмоқда.

Болажонларнинг бўш вақтлари ва ҳордиқ онларини кўнгилли ўтказишда бадиий асарлар намуналарининг ўрни беқиёс. Қувноқ шеър, ҳикоя, эртак, ривоят ва тез айтишлар уларга олам-олам завқ, ҳайрат бағишлаши билан бирга, дунёқарашларини бойитади, зеҳнларини чархлайди. Она Ватанга, инсонларга меҳрларини оширади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ўтказиб келинаётган «Болалар китоби» республика фестивали болалар адабиётларининг кўпайишига ва уларнинг ранг-баранг мавзуларда бўлишига замин яратмоқда. Унда болалар адабиётига ихтисослашган ноширлар, матбаачилар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар иштирок этмоқда. Бу эса талаба-ёшлар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг фестивалга қизиқишини янада ошираётир. Ўтган йилги «Болалар китоби» II республика фестивалида олтмишдан ортиқ нашриёт ва матбаа корхоналари боққа ўрнатилган кўргазма стендлари орқали ўз китоб ва босма маҳсулотларини намойиш этди. Фестивал доирасида болажонлар учун «Энг яхши ёш китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобчам», «Атроф-олам муҳофазаси — саломатлик гарови», «Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб», «Китоб — энг яхши совға» мавзуларида интеллектуал мусобақалар, викториналар ва ижодий танловлар ўтказилмоқда. Бу эса ёшларнинг китобга бўлган меҳрини янада оширади, албатта.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад ҳам мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг маъно-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, ёшларнинг миллий адабиётга қизиқишини, китобга ҳурматини ошириш ҳамда китобхонлик ва мутолаа маданиятини янада шакллантириб бориш, болаларга мўлжалланган ижтимоий-бадиий етук адабиётлар салмоғини кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлашдир.

Куни кеча агентлик тасарруфидаги "Китоб олами" савдо мажмуасида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунининг 24 йиллиги муносабати ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига қизиқарли томоша ва ўйинлар уюштирилди. Болажонлар турли эртак қаҳрамонлари билан учрашдилар, шеър, тез айтиш ва қўшиқлар куйлашиб, кўнгилочар ўйинлар ўйнашди. Шунингдек, янги чоп этилган болалар китоблари билан танишишиб, бир олам завқ олишди.

— Болаларим билан китоб харид қилишга келиб, кутилмаганда байрам устидан чиқиб қолдик, — дейди тадбир иштирокчиси Фурқат Габитов. — Бундай шодиёналар ҳар бир боланинг жони дили. Ҳозир қаерга бормайлик ана шундай қувончли лаҳзаларнинг гувоҳи бўлаётирмиз. Бир томонда янги йил, бир томонда Ватан ҳимоячилари куни. Албатта бунинг замирида тинчлик деган неъмат ётибди. Мана шу Ватан ҳимоячилари бор экан, кўнглимиз хотиржам, юртимиз тинч. Осойишталик ҳукмрон бўлган элга байрамлар ҳам ярашадида. Шундай хурсандчиликни ташкил қилган барча ташкилотчиларга миннатдорлигимни билдираман.

Бу тилакка биз ҳам қўшиламиз. "Китоб бу — мўъжиза" деб номланган бу тадбир ҳафтанинг етти кунида ҳам сиз азизларга, фарзандларингизга мунтазир.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**



**Маълумотингиз учун**

# Орият саройи

Эстетика ёш авлодни тарбиялашда ҳар томонлама камол топиши, тафаккурининг кенгайишига катта ҳисса қўшадиган фандир. Шарқ алломалари ижодий фаолиятига назар солсангиз, уларга хос эстетик қарашлар, назариялар илгари сурилганини кузатасиз. Буларсиз эстетика тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Шундай бебаҳо хазиналардан бири "Қобуснома" дир. XI асрда яратилган бу асар ўзининг фалсафий, эстетик, маънавий ижтимоий қимматига эга. "Қобуснома" Кайковуснинг ўз ўғли Гилоншоҳга атаб ёзган насиҳатларидан иборат. У зўр мамнуният билан ўз китобини ўғли учун "орият саройи" деб атайди. Дилбанди бу насиҳатномани бир "сайдгоҳ" билиб, унда яхшилик, гўзаллик мулкини сайд, яъни ов қилишига умид боғлайди.

44 бобни ўз ичига олган бу нодир асарнинг эстетик тарбиявий аҳамияти беқиёс. Муаллиф ўғлига насиҳат қилар экан, у қуруқ панд-ўгит бўлиб қолмаслиги чораларини кўради, юксак руҳий-фалсафий тадқиқот, тажриба маҳсули сифатида ижтимоий ҳодисаларни асар мазмунига сингдиради. Муаллиф инсонни улуғлайди, унинг бетимсол ижтимоий мавқеини ўрганади, ҳаётнинг шафқатсиз синовлари олдида инсон қандай имкониятлари билан кураша олиши мумкинлигини тадқиқ қилади, завқ билан тасвирлайди: ҳамма махлуқотдан одам яхшироқ ялралди ва ўзга жониворлардан ўн даража зиёдадир ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордир. Беши танида зоҳирдир, беши ичида пинҳондир. У пинҳон нарсалар: бири бир нарсани ёд олмоқ, бири ҳамиша эсда сақламоқ, бири тахайюл (хаёлга келтирмоқ), бири таҳаввур (шиддат билан ҳужум қилмоқ), бири такаллум (сўзлаш). Бештаким, ташида зоҳирдир: бу завқ, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яъни сезув.

Юқорида зикр этилган сифатларнинг барчаси эстетик онг турларига асос солади. Яъни эстетик дид, эстетик ҳистуйғу, эстетик баҳо, эстетик идеал, эстетик назариялар яхлитлик касб этади. Буларсиз инсон камолотини тасаввур қилиш қийин. Ҳар бир инсон ўзида эстетик онг шакллантира олса, ривожлантирса, ҳаёт гўзалликларидан тўлақонли баҳраманд бўлади. Инсон тафаккурида эстетик онг уйғотиш бу энг катта ютуқдир. Чунки ўз эстетик онгига эга бўлган инсон эстетик фаолият эгаси бўла олади. Бундай инсон ҳаёт гўзалликларини ҳис қилади, ҳар бир ишни пухта ва чиройли бажаришга интилади. Зеро, эстетик талаб ва эҳтиёж эстетик фаолиятта асос солади. Эстетик фаолият маънавият билан бирга меҳнат шароитларини ҳам қамраб олади. Меҳнат ҳам санъат каби гўзаллик қоидаларига риоя қилинганликни эътироф этади. Кайковус ўз ўғлига ҳунар ўрганиш ҳаётни тўла-тўкис ва бахтли қилишнинг ягона йўли эканлигини уқтиради: "Барча катта-кичикка ҳунар ўргатмак вожибдир. Нединким, киши ҳунар ўрганмоқ била ўз ҳамроҳларидин баланд мартабада бўлур. Ҳунарманд киши улдурким, фазли ва ҳунар сабаби била қадр ва мартабаси ўзгалардан баланд бўлғон эканини



билиб, фазл ва ҳунарға аввалгидин зиёдроқ ҳаракат қилғай ва бурунгидан зиёдроқ фозил ва ҳунарманд бўлғай". Инсон ҳунар эгаси бўлиб, ўз фаолиятига асос солади. Унинг фаолияти аниқ мақсадга қаратилган, муайян ғоявий мазмунга эга бўлади. Инсон гўзаллик қоидалари асосида фаолият юритади. Эстетик фаолият инсонлашган хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Яъни инсон хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара билади. Бунга эришгунча у катта хавфни, нафсни, ялқовликни, ҳирсий майлларни енгиб ўтади. Кайковус ўз кузатувларини жиддий тарзда давом эттириб, инсон вужудини онгга бўйсунишш жараёнини таҳлил қилади: "Нединким, бадан қохиллик (суст, бўш)ни ва роҳатни дўст тутғони жиҳатидан ҳам ўз ихтиёри била сенга фармонбардор бўлмас. Ул сабаб билаким, баданда асли ҳаракат йўқтур. У ҳаракатни фармон била қилур, ўз муроди била қилмас, ва то сен буюрмағунча баданнинг ҳеч ишга рағбати бўлмас. Бас. Эй фарзанд, баданни ўзингга мутеъ қил ва уни қаҳр била итоатга буюр".

Ҳунарманд инсон ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий характерга эга бўлган эстетик ҳодисадир. Унинг шахсий яратувчанлиги, бадиий фаолияти умуминсоний ғояларга хизмат қилади. Инсон ҳаётининг мазмунли бўлишига сабаб бўладиган бирон-бир касбни ўрганар экан, у бир қанча инсоний фазилатларни ҳам ўзлаштириши лозим. Кайковус бу хислатларни ҳунармандларнинг сармояси эканини таъкидлаб, адаб, тавозе, ҳаё, покдиллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатдур, дейди. Барча ёмонликнинг муқаддимаси бепарҳезкорлик эканини айтади. Бугунги кунда биз парҳез сўзини саломатликка тўғри келмайдиган озиқ-овқатлардан тийилишни тушунамиз. Кайковус бу сўзни инсон маънавиятига боғлайди. Яъни руҳий парҳез қилишни назарда тутади. Ўз фарзандини тезлик, тундлик, ёлғон гапириш, бекорчилик, фисқ-фасод, ғарра(мағрур) бўлиш ҳолатларидан сақланишга чақиради.

Эстетик идеалнинг бошқарувчилик хусусияти шундаки, у инсонни камолга етказиш, уни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилувчи эстетик тарбия билан боғлай олди. Муаллиф сўз ва унинг инсонга таъсири ҳақида фикр юритиб шундай дейди: "Мулойим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса мол ва дунёға мағрур бўлур. Дарҳақиқат, яхши ва ўз ўрнида айтилган сўз инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиради. Унинг руҳида тозариш, нафислашиш жараёни юз беради. Шунинг учун муаллиф бошқа бобларда ҳам сўз ҳақида сўз юритиб, унинг юксак мақомини, инсон тарбиясидаги беқиёс ўрнини ажойиб ҳикматлар ва мароқли ривоятлар билан исботлаб таърифлайди. Кайковус асари марказида Комил Инсон ва унинг ахлоқий маданияти намоён бўлади. Адибнинг маҳорати натижасида Инсоннинг билиш фаолияти қуйидагича тадқиқ қилинади:

"Эй фарзанд билғилки, сўз тўрт нав бўлур, ундоқким, халойиқ ҳам тўрт нав бўлғондек. Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур унга ўргатмак керак. Бири улким, билур ва билғонин билмас ул уйқудадур уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, ул жоҳилдир ундан қочмоқ керак". Бу фикрлар муаллифнинг соф эстетик дидининг маҳсули дейиш мумкин. Зеро, ижтимоий муносабатларнинг маънавий сифатларини аниқлаш, идрок қилиш эстетик қарашлар моҳиятида намоён бўлади. Кайковус ғояларининг асосида гўзал ва баркамол тарбия кўрган инсон муаммоси мавжуд. Бунинг ечими жараёнида у таққослаш, солиштириш усулларидан фойдаланади. Исрофнинг зидди сифатида саховатли бўлишга чақиради. Мол бермак халқнинг зийнати оройиши эканини таъкидлайди. Ёмон ва хунук одатларни, иллатли нуқсонларни ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб, улардан фориғланиш кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Ёмонликни ҳис қилган инсон ундан нафратланишни ҳам билиши керак, ана шунда яхшиликни, гўзалликни қадрлайди деган ишонч асосида бир қанча мотивлар келтирилган.

Муаллиф инсонийлик тамойилларидан бири – меъёрга амал қилиш зарурлигини эслатади. Бу сўзни у ифрот, яъни ҳаддан ошишга йўл қўймасликда деб билади. Меъёр сақлаш фойдалилик, уйғунлик, мутаносиблик каби бир қанча эстетик тушунчаларга боғланиб кетади. Улар яхлит ҳолда инсоният, жамият, табиат гўзалликларининг моҳиятида намоён бўлади.

Бугунги авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашда эстетика фанининг бор имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз, ёш авлоднинг аввало идрокини уйғотишга эришишимиз бош масалага айланмоғи зарур. Идрокли инсон эса буюк яратувчанлик қудратга эга бўлади.

**Малика АҲМЕДОВА,**
**журналист-педагог**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

« Бошланиши 1-бетда

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлатнинг айрим ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига босқичма-босқич берилмоқда. Бу, ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат ва унинг органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга имконият яратаётир.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилган бўлиб, бу Конституциямизнинг 32-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур моддага кўра, мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ушбу конституциявий қоидани қонунларда акс эттириш, жамоатчилик назорати институтини янада такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Парламент назорати тўғрисида»ги ва «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парламент асосий роль ўйнайди. Бунда парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги фаолияти, балки назорат функцияси ҳам муҳим ўрин тутади. Чунончи, қонун қабул қилингандан сўнг унинг ижросини таъминлаш, хусусан, мансабдор шахсларнинг қонун билан белгиланган вазифаларини қай даражада бажараётгани устидан айнан жамоатчилик ва халқ вакиллари назоратини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, қонунларимизда белгиланган нормаларни амалиётда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий механизмларни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш талаб этилмоқда.

Анжуманда ушбу масалалар юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги вазифалар кенг муҳокама қилинди. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва қонунчилик ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Оила бекатида**

# Тарбиянинг маърифий асослари

Бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол йигит-қизлар қилиб тарбиялашнинг нечоғли муҳим эканлигини такрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, эртага қандай яшашимиз, мамлакатимиз, миллатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўэътибори, салоҳияти қай даражада бўлиши, ўғил-қизларимизга қадриятларни қадрлашни, эъзозлашни, қандай яшаш ва ишлаш, жамиятда ўзини қандай тутиш, қайси мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилишни ўргатишимизга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Келинг, очиқчасига тан олайлик, ўғлимиз, қизимиз, биздан ёши анча кичик синглимиз ёки укамиз бирор муаммо, масала юзасидан ўз фикрини айтаётганида, биз доим ҳам уларнинг сўзларини охиригача тинглаймизми? Сўзимни рад этишга, "Йўқ, эшитамиз!" дейишга шошилманг. Очиғини айтганда, биз уларга дарров тайёр, баъзан ўзимиз ҳам охиригача ишонмайдиган фикрни сингдиришга, керак бўлса, уни ёдлатишга уринамиз. Бир-икки маротаба шундай қаршиликка дуч келган ўсмир ёки қиз кейин ўз фикрини айтмасликка, энг ёмони эса бу масала юзасидан бош қотирмасликка ўргана бошлайди. Яъни унда "Катталар бу ҳақда аллақачон бир хулосага келган-ку, мен нима қиламан аралашиб, барибир гапимни ким ҳам эшитарди" деган фикр пайдо бўлади. У аста-секин бефарқу лоқайд, энг жўн масалаларни ечишда ҳам катталару бошлиқларнинг оғзига қарайдиган одамга айланиб қолади. Вақти келиб, ўзи ўша катталар ўрнида қолганида бирор иш юзасидан тўғри қарор қабул қилолмай қийналади.

Шунинг учун қанчалик банд бўлмайлик, фикримизнинг тўғрилигига нечоғлик ишонмайлик, ёшларнинг фикрини тинглашга, эътибор беришга ўрганайлик. Майли, унинг фикри нотўғри, бошқача бўлсин. Бундан қўрқиш ёки ажабланиш эмас, балки болага, ўсмир ёки қизга мушоҳада жараёнида қайси қисмда хатога йўл қўйгани, нима учун унинг хулосаси нотўғри чиққанини кўрсатиб бериш доимо лозим.

Битта мисол. Бир йигит кечқурун отасининг уйига келса, акаси келинойиси билан бетон қоришмасини ташишяпти экан. У келинойисидан чой олиб келишни илтимос қилади. Акасининг "Ана чойнакда турибди-ку. Қуйиб ичавер!" деган гапига "Йўқ! Мен иссиғидан ичмоқчиман!" деб айтгач, аёл ошхонага кириб кетганида "Келинойимни бунақа оғир ишларга жалб қилманг!" деб акасига танбеҳ беради. Акасининг оилада аёл ҳам, эркак ҳам бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга, деган эътирозига эса "Айтинг-чи, сиз ҳам аёллар ишини неча марта қилдингиз? Болалорингизни қачон бешикка белагансиз? Сигирни неча марта соғгансиз?" деб берган саволларидан кейин ака ҳақиқатан ҳам аёлига нисбатан адолатсизлик қилганини тушуниб етади. Бу воқеада ука акасига унинг нотўғри хулоса чиқаришида "Оилада аёл ва эркак тенг, яъни ҳамма ишни бараварига қилиш керак" деган фикрида худбинлик борлигини исботлаб бермаганида, у укасининг ҳақлигини тан олиши қийин бўларди.

Фарзандларимизга ҳаётий позицияни тўғри танлашда донишмандлар бисоти, миллий қадриятларимиз, машҳур кишилар, давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан мисоллар ва иқтибослар келтириш жуда ўринли ва самарали бўлади. Шунингдек, ўғил-қизларимизга маънавият мезонларини сингдираётган тарихий мисолларни келтиришнинг аҳамияти жуда каттадир.

Ёшларни ҳақиқатни айтишга ва эшитишга ўргатиш ниҳоятда муҳим. Бунда уларда принципиаллик позицияси шаклланади. Бу жараёнда бадиий асарлар, халқ мақоллари, фольклордан фойдаланиш яхши натижа беради.

Камтарлик фазилатини сингдиришда ҳам жонли ибрат катта роль ўйнайди. Лекин уни кўпроқ келтирсак самараси яхшироқ бўлиши бор гап.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни маърифатли, маънавияти юксак, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун имкониятларимиз кўп. Гап улардан фойдалана билишда.

**Р.ИСМОИЛОВ,**
**Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

**Экология**

# ТАБИАТ — ОНАМИЗ

Маълумотларга кўра, ер юзида 1,5 миллион ҳайвон ва 500 мингга яқин ўсимлик турлари мавжуд экан. Ўзбекистонда улар 4230 дан ортиқ. Шулардан 770 тасида дориворлик хусусияти бор. Кўриниб турибдики, табиатнинг ўзи улкан «дорихона»дир.

Ер юзидаги ана шу ўсимликлар йилига 400 миллиард тонна кислород ишлаб чиқаради. Бу эса инсоният ва жамики жонзотларнинг яшашига имконият яратади.

Табиат инсонни едиради, ичиради, кийинтиради. Шу боис унга «она» сўзини қўшиб айтамиз.

Инсонларга маънавият ва маърифат уруғини тарқатувчи Ислом динимизда ҳам ҳайвонот олами ва бизнинг соғ-саломат турмуш кечиришимизга хизмат қилаётган муҳитни, ҳаво, ер ва сувни ифлос қилмаслик ҳақида панду насиҳат ва ўгитлар бисёр. Улуғларимиз ҳам «Атроф-муҳитга меҳрли, шафқатли муносабатда бўлинглар, сувга, ўзанларга, серқатнов йўлларга, соя-салқин жойларга чиқинди ташлаб, лаънатга қолишдан қўрқинглар», — дея огоҳлантирган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосасига кўра, ўлимга олиб борувчи экологик омиллардан биринчиси — бу ҳавонинг ифлосланиши бўлса, иккинчиси шовқин экан. Бу икки салбий ҳолатни даф этишда албатта, яшиллик оламининг ўрни беқиёс. Она табиатнинг ифлосланиши нафақат яшиллик оламига салбий таъсир кўрсатади, балки инсон саломатлигига ҳам жиддий зарар етказади. Биргина автотранспорт воситасининг дудбўронидан чиқадиган тутунда



юз хилга яқин заҳарли газлар мавжуд бўлиб, у биз нафас олаётган атмосферанинг мусаффолигига зарар етказади. Табиатга зарар етказувчи бундай завод-фабрика ва бошқа омиллар кўп.

Қадимда ота-боболаримиз фарзанд кўришлари муносабати билан дарахт ниҳоллари экишган. Момоларимиз оилада қиз бола туғилса, униб ўссин, бир этак фарзандларни етаклаб юрсин дея яхши ният билан мевали дарахтлар экишган. Агар ўғил бола туғилса, вояга етгач унга уй-жой қуриш учун керак бўладиган тол ва тераклар экишган. Бу яхши удум албатта, яшиллик оламини кўпайтиришга хизмат қилган.

Бир йўловчи кета туриб, нуроний чолнинг мевали дарахтлар экаётганини кўриб, дебди:

— Сиз экаётган бу ниҳоллар қачон вояга етади-ю, қачон мева беради, сизга насиб қиладими, йўқми?

— Менга савоби тегса, бўлди. Келажакда уларнинг мевасини фарзандларимиз ейди, — деган экан у.

Минг афсуски, бугунги кунда баъзи ёшларда етарли экологик маданиятнинг шаклланмагани, уларга ота-оналари томонидан табиат муҳофазаси ёки экологик маданият тўғрисида етарли тушунча берилмагани сабабли она табиатга, яшиллик оламига нисбатан ҳурматсизлик, топташ, эзғилаш, синдириш ёки атайлаб зарар етказиш ҳолатлари учрайди.

Ёз кунларининг бирида оилавий тарзда, табиат қўйнида дам олгани бордик. Тоғ этагидаги соя-салқин жойда машинани йўл четига тўхтатдик. Нарсаларни дарахт остига олиб боришдан аввал икки нафаримиз 50-100 метрлар чамаси нариროқдаги жойни кўришга кетдик.

Минг афсуски, бизга сиртдан маъқул кўринган салқин, яшилликка бурканган жой биздан аввал келиб-кетганларнинг касридан ачинарли ҳолатда ётарди. Майсалар пайҳон қилинган, ичимлик шишаларию овқат ва сигарет қолдиқлари, нон бўлаклари сочилиб ётарди.

Бир савол туғилади. Наҳотки, дам олишга келганлар бу ерга ўзидан кейин ҳам одамларнинг ҳордиқ чиқариши, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишга ҳаққи борлигини ўйлаб кўрмаса? Улар бизни едириб, кийинтирадиган, тўйдирадиган она табиатга шафқатсизларча муносабатда бўлгани учун гуноҳга ботиши ва унинг уволи тутишини хаёлларига келтиришмаса?

Агар уларда экологик маданият кўникмаси шакллантирилганда, бундай ачинарли ҳолатга дуч келмаган бўлардик.

Улуғ олим Абу Райҳон Беруний айнан ана шундайларга «Агар одамлар табиатга нисбатан лоқайд муносабатда бўлсалар, унинг қонун-қоидаларини қўпол равишда бузсалар, бир кун келиб табиат улардан ўч олади, ўшанда ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди», — дея таъкидлаган эди.

Ҳозирги пайтда баъзи мамлакатларда юз бераётган турли табиий офатлар, сел ва кучли тўфонлар, ёнғинлар, кучли ер силкинишию чанг бўронлари балки инсониятнинг она табиатга нисбатан ана шундай шафқатсизлиги ёки ундан нооқилона фойдаланиши оқибати.

Ҳа, она табиатни асраш ва севишда биз катталар ёшларнинг эътиборсизлик ва лоқайдликларига асло йўл қўймаслигимиз лозим. Шундай экан, мактаб, уй, кўча, маҳаллада бўладими, уларнинг хатти-ҳаракатини назорат килган ҳолда ўгит ва маслаҳатимизни аямасак, албатта, бунинг самараси бўлади.

Муҳими, барчамиз шу она заминда, гуллаб-яшнаётган мамлакатда ҳаёт кечираётган эканмиз, она табиатни, еру осмонни, атроф-муҳитни асраб-авайлашга, уни асл ҳолатида келажак авлодга етказишга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

**Марям АҲМЕДОВА**

Қонун ва ижро

# ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Сўнгги вақтларда фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада тартибга солингани дунё тажрибасида фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини белгилашда асосий мезонлардан ҳисобланмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ахборот эркинлигини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган қонунчилик базаси яратилди. Аввало, бу масалалар Бош қомусимизда ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ҳамда ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги меъёр орқали ўз аксини топди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунларда мазкур конституциявий меъёр ривожлантирилиб, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар зиммасига оммавий ахборот воситаларига жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги тўлиқ ахборотни бериш» вазифаси юклатилди.

Бугунги кунга келиб қарийб барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этилиб, интернет тармоғида расмий веб-сайтлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бундай имконият ва шароитлар мамлакатимизда эркин ахборот маконининг шаклланишига замин яратмоқда. Яратилган ҳуқуқий майдон демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи, оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашиб бораётганини кўрсатмоқда. Бунда, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини янада кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштириб борилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.



Бу ўринда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунини амалиётга янада кенгроқ татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, қонун аввалambор, ҳар кимнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унинг қоидалари асосида давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлар билан жамоатчиликни, биринчи навбатда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорлардан аҳоли, жамоат ташкилотларини хабардор қилиш механизмлари аниқ белгилаб берилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, қонуннинг қабул қилиниши ОАВ ходимлари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ахборотлар билан таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида самарали ахборот алмашиш механизмини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш борасидаги ишларнинг истиқболдаги самарадорлигини ошириш тегишли қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Буни яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганиш якунлари ҳам кўрсатди. Ўрганишлар давомида аҳолининг қонундан хабардорлик даражасини янада ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, фуқароларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиши, ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқиш, ахборот хизматлари фаолиятини жонлантириш, унга малакали кадрларни жалб этиш, расмий веб-сайтларни доимий янгилаш ва айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни жойлаштириб бориш масалалари билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги қарори бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу қарор асосида тасдиқланган комплекс чора-тадбирларга асосан яқин вақт ичида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома", "Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ коллегиал мажлисларида иштирок этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома"ни ишлаб чиқиш каби бир қатор вазифалар белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу вазифаларни амалга ошириш ўз ўрнида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари бўйича масъулиятини ошириш, шунингдек, ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**

Дунёқараш

# АХБОРИЙ МУВОЗАНАТ НИМА

## ва у қандай ҳолатларда бузилади?

Коинот сон-саноғи йўқ юлдузлар, сайёралар, галактикаларнинг маконидир. Улар "Сомон йўли"да мукаммал бир мувозанатни сақлаган ҳолда ҳаракат қилади. Осмон жисмлари нафақат ўз ўқи атрофида, балки улар кирадиган тизим билан бирга орбита бўйлаб ҳам айланади. Ҳайратга соларли томони коинотдаги бу тартиб шу қадар мустаҳкамки, ҳатто йўллари кесишган 200-300 миллиард юлдуздан иборат галактикалар ҳам бир-бири билан тўқнашиб кетмайди. Буни БУЮК МУВОЗАНАТ дейдилар. Эътибор берсангиз, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўша буюк мувозанатнинг мўъжазгина муқобиллари бор. Дунёнинг ўзи аллақандай мувозанат асосига қурилгандай... Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу тушунча қуйидагича таърифланади: Мувозанат — қарама-қарши кучларнинг, ҳодисаларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўладиган нисбий турғунлик, осойишталик. Хўш, мувозанат деганлари турғунликми? Тартибми?




Журналистлар орасида "Биринчи сўзни айтган ҳақ", деган ҳикматнамо ибора бор. Эндиликда унга янги жиҳат қўшилиб, "Кимки мунтазам равишда ахборот оқими билан аудитория эътибори жиловини тутиб турса, шу билан бирга, оммага фактларни мустақил таҳлил қилиш имконини берса, ўша ҳақдир", дейиладиган бўлди. Шундай экан, бугун янгиликни нафақат биринчи бўлиб узатиш, балки уни оммабоп, эътибортортар ва экспрессив (таъсирли) ахборотга айлантириш муҳимдир. Журналистика, шу билан бирга аудиториянинг ушбу талабларига монанд фаолият юритаётган "Си-эн-эн", "Би-би-си", "Евроньюс" телекомпаниялари, "Ассошиэйтед Пресс", "Юнайтед Пресс Интернешнл", "Рейтер", "Франс-Пресс", "ИТАР-ТАСС", "Синьхуа", "Анадолу" каби агентликлар жаҳон ахборот майдонида ўзларининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишган. Бошқа мамлакатлар газета ва журналларининг таҳририятлари, радио ва телевидение студиялари, эндиликда бунинг устига яна Интернет-сайтлар ўз нашр майдони, эфир ва виртуал кенглигини ана шу манбалардан олинган хабарлар билан тўлдириб, долзарб саналган мавзуларни саралаб, оммалаштириб бормоқда. Хусусан, миллий журналистикамизда ҳам хориж хабарларини айнан шу манбаларга асосланиб узатиш кенг тарқалган. Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, "Ассошиэйтед Пресс" агентлиги ҳар куни ўртача 3 миллиард белгидан иборат ахборотни тарқатади. Бу дунё миқёсида тарқаладиган хабарнинг катта қисмини ташкил этади. Шу билан бирга "Юнайтед Пресс Интернешнл", "Рейтер", "Франс-Пресс", "Синьхуа" сингари медиа-гигантлар томонидан ҳам анчагина хабар ва маълумотлар оммага узатилади. Масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, улар катта ҳажмдаги ахборот билан бирга ўзининг ғоя ва мафкурасини ҳам тарқатмоқда.

Америкада нишонланадиган Хеллоуин байрами ҳақида яхши биламиз. Бироқ Угандада анъанавий тарзда ўтказиладиган мева сайли ҳақида эшитмаганмиз, шундайми? Агар бу байрам АҚШ ёки бошқа ривожланган мамлакатда ўтказилганида Сиз бу ҳақида, албатта хабар топган бўлардингиз.

Нима учун шундай? Ўйлаб кўришга арзийдиган масала, тўғри эмасми?

Бунинг туб сабаби икки давлатнинг ахборот узатиш майдонидаги мавқе билан боғлиқ!

Статистикага такрор юзланадиган бўлсак, дунё миқёсида узатиладиган жами ахборотнинг 62 фоизи АҚШ ҳақида бўлгани ҳолда, атиги 2 фоизи сайёрадаги йирик қитъалардан бири — Африка ҳақидадир. Бу нима билан боғлиқ, деб ўйлайсиз? Аввалambор, АҚШ ва Африка мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларидадир. Қолаверса, уларга тегишли бўлган ОАВ тизимлари халқаро майдонда турли мавқе ва позицияларни ишғол этган. Хўш, бунинг биз — ахборот урушларининг асосий фронтларидан олисда қолган, кундалик узатиладиган янгиликларнинг шунчаки истеъмолчиларига бу жараёнларнинг нима алоқаси бор? "Ахборот монополияси"дан бевосита биз қандай зарар (ёки фойда) кўрамиз?

Аввало, ахборот дунёсининг пешқадамлари бўлган давлатларнинг мақсади — ўз сиёсий қарашлари, маданияти ва турмуш тарзини жаҳон ҳамжамияти ҳаётига сингдиришдир. Ҳатто Хитой, Ҳиндистон, Миср сингари бетакрор маданият соҳиби бўлган бошқа йирик давлатлар ҳам бу борада улардан ортда қолмоқда.

Медиа-гигантлар аудитория диққатини истаган воқеа, ҳодисага буриб юбориш имконига эга. Ахборий мувозанатнинг бузилганига яқинда халқаро жамоатчилик яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Маълумки, 13 ноябрь куни Париж шаҳрининг бир нечта ҳудудларида бир пайтда қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилган. Бу воқеа жаҳон медиа-маконида қизғин муҳокама қилинди. Масалан, "Facebook" тармоғида фойдаланувчиларга ўз фотографияларини француз байроғининг рангларига бўяш хизмати таклиф қилинди. Бу ижтимоий акция бутун тармоқ бўйлаб тарқалиб кетди. Хусусан, "Facebook"-нинг ўзбек сегментида ҳам зиёли қатлам вакиллари билан бир қаторда масаланинг асл моҳиятидан бир қадар йироқда бўлган ёшларнинг профил- (шахсий саҳифа)ларини ҳам француз байроғи безади. Дунёнинг машҳур архитектура ёдгорликлари — Миср пирамидалари, Ла Скала опера театри, Пиза минораси ва бошқаларнинг тунги ёриткичлари француз байроғининг рангларида жиловланишни бошлади. Бир сўз билан айтганда, воқеа атрофида ажиотаж (ваҳима) кўтарилди. Ваҳоланки, Париж воқеаларидан бир кун олдинроқ, яъни 12 ноябрь куни дунёнинг бошқа томонида жойлашган Байрут шаҳрида террорчилик ҳаракатлари туфайли 43 киши ҳалок бўлган. Бироқ бу фожиа жаҳон ҳамжамияти эътиборидан четда қолган.

Халқаро майдонда ахборий мувозанатнинг бузилиши миллий медиамаконга ҳам таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Бир хил ахборий сюжетларнинг тинимсиз такрорланишини рус тадқиқотчиси Л.Г.Антонова **"айланувчи эшик эффекти"** деб таърифлаган. Дунё миқёсида муҳокамаси авж олдирилган мавзуларнинг ёритилиши жаҳон минбарларидан асталик билан миллий журналистикага ҳам кўчиб ўтмоқда. "Uz24", "Anhor", "UT" сингари саноқли сайтлар, "Ҳуррият", "Маърифат", "Жамият" сингари айрим нашрлар саҳифаларидагина халқаро ҳаётга ҳамоҳанг таҳлилий ва муаммоли материалларни учратиш мумкин.

Дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар кўлами сўзсиз мавзу жиҳатидан жанрлар танлови, ахборот узатиш каналлари ва бошқа бир қатор масалаларда азалий мувозанатни бузиб юборяпти. Боз устига, матн ва графика, янгилик ва таҳлил, бадиийлик ва ҳужжатлилик ўртасидаги тенгликнинг бузилишини ҳам айтадиган бўлсак, журналистиканинг қадим тамойилларини янгилаш тобора заруратга айланаётганини кўрамиз. Бу даврнинг талабими ёки таклифи? Хўш, мувозанат-чи? Қанчалик керак? Унинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади? Балки бу эврилишлар дунёни янги давр — янги эранинг бўсағасига бошлаб келаётгандир? Бу эса бошқа мавзу.

**Моҳларойим ҚАЮМОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

2-аудитория

Бир қарашда, ахборот тушунчасини аниқлаб олиш қийин эмас: бу бугунги кунда жамиятда содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги хабардир. Мухбир — содир бўлаётган ушбу воқеаларнинг оддий кузатувчиси ёки ҳикоя қилиб берувчисидир, деб ўйлаш нотўғри, албатта. Мухбир том маънода ўша, етказиб берилаётган хабарнинг ижодкори, яратувчисидир.

"Янгиликлар индустрияси" жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётида ҳам, маданий ва ижтимоий жараёнларида ҳам доимо асосий ўринни эгаллаб келган.

# Ахборот ва тушунча

Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида журналистик янгиликлар асосан душман қўшинини чалғитиш мақсадида ишлатилган. Мустабидлик даврида сиёсий доираларнинг биргина ишораси билан матбуот ўқувчилар оммасига жуда катта ғоявий таъсир ўтказган ва бунинг учун доимо "муҳим" бўлган янгиликлар ишлатилган.

Жаҳонда кўп воқеалар бўлиб ўтади ва журналистларнинг асосий вазифаси шу воқеаларнинг тўлиқ тасвирини кенг ўқувчи оммасига ҳавола этишдан иборатдир. Айнан шу маълумотлар ёрдамида инсон атрофидаги дунёни танийди, керакли билимни олади ва ниманидир ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Ҳар қандай маълумот маълум бир шаклда тақдим этилиши лозим. Дастлабки ахборот шаклидаги жанр — бу мақола ёки ёзма манба ҳисобланади. Бу маълум бир воқеа ёки ҳодиса ҳақидаги қисқа хабар. Кенгроқ тафсилотлар мақолаларда ёритилади. Бундай мақолаларда журналист томонидан далиллар билан келтириб ўтилиши ҳамда бирор-бир ахборот ёки маълумотни таҳлил қилиш истаги акс этиши лозим. Таҳлилий мақола муаллифининг вазифаси — ўқувчиларга нафақат маълум бир воқеа ҳақида хабар бериш балки, "жонли мисол" ёрдамида бутун бир воқеани таҳлил қилиш вазифаси юкланади. Ахборот жанрларига яна репортаж (матбуот, радио, телевидение орқали бериладиган маҳаллий ахборот ёки маҳаллий мухбир хабарлари) ва ҳисобот ҳам киради.

Репортаж тайёрлашдан мақсад — воқеани жонли тасвирлаш. Уни тайёрлаш учун журналист воқеа содир бўлаётган жойда иштирок этиши шарт.

Ҳисобот — бўлиб ўтган воқеани аниқ ва тўлиқ тасвирлаш, яъни далилларнинг қуруқ баёни. Ҳисобот конференция, йиғилиш ва турли хил мажлислардан ёзилиши мумкин. Лекин биз кенгроқ тарқалган ахборот жанри — мақолага қайтамиз.

Замонавий вақтли нашрлар саҳифаларида мақолаларнинг ҳар хил турини учратиш мумкин. Кенг тарқалган турларидан — бу воқеий мақола, эълон (анонс) ва мини тақризлар. Воқеий мақола содир бўлган бирон бир воқеага бағишланади. Анонс мақола эса бўлиб ўтиши лозим бўлган сиёсий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеалар ҳақидаги хабарлардан иборат. Масалан, яқинда бўлиб ўтадиган концерт, кўргазма ёки ярмаркаларнинг аниқ санаси, вақти, қачон ва қаерда бўлиши ҳақидаги қисқача маълумотдир. Анонс мақола муаллифининг вазифаси — бу фақат реклама қилиш эмас, балки ўқувчилар оммасини ўз мамлакат ёки шаҳарларида яқин вақт оралиғида бўлиб ўтадиган воқеалар ҳақида маълумот бериш ҳамдир. Шунинг учун анонс мақола журналистни бўлиб ўтадиган тадбирга бўлган муносабатини билдирган ҳолда салбий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Кичик тақриз — бу маданий соҳадаги маълум бир воқеанинг (спектакль, кўргазма, шоу) қисқача баҳоси. Унинг тақриздан фарқи шундан иборатки, муаллиф бўлиб ўтган воқеанинг бадиий аҳамиятини таҳлил қилишни мақсад қилмайди. У ўқувчиларга воқеага нисбатан фикрини, муносабатини билдиради, холос.

Замонавий газета ва журнал саҳифаларида, айниқса оила даврасига мўлжалланган нашрларда маслаҳат — мақола деб аташ мумкин бўлган хабарларни ҳам учратиш мумкин. Бундай маслаҳатлар соғлиқ, уй хўжалигини юритиш ва ўз-ўзини таҳлил қилишга бағишланади.

Кўриниб турганидек ҳар бир жанр асосида қандайдир хабарни оммага етказиш мақсади ётади. Шунинг учун ҳам кенгайтирилган мақолаларни журналистик лаҳжада корреспонденция ҳам, деб атаймиз.

**ЎзМУ талабаси**
**Азизбек НАҲАНОВ тайёрлади.**

**Шарҳ ўрнида**

# ХАЙРЛИ ИШЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бешинчи йили нишонланадиган 2016 йилни халқимиз катта умид ва кўтаринки руҳда қаршилади. Бир-бирларига эзгу-тилаклар, ниятлар билдирилди. Янги йил тантанаси тўкин дастурхонлар теварагида, оила даврасида қувонч билан нишонланди. Айниқса, болажонларнинг шодлиги шу кунларда ичига сиғмайди. Нега десангиз, улар янги йилда ажойиб совғалар олиш билан бирга, яна бир ёшга улғаядилар.



Шуни ифтихор билан айтиш жоизки, аввало, ўтган йил Ватанимиз ҳаётида катта омадлар ва зафарлар йили бўлди. Табиийки, эришилаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг бош омили катта меҳнат, изланишлар, энг асосийси, юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик-осойишталикдир, десак хато қилмаймиз.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табригидаги қуйидаги фикрлар кўнглимизда кечаётган ҳистуйғуларга ҳамоҳанг бўлди: **«Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани — буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда»**, деб таъкидланди мазкур табрикда.

Кўпчилик эътибор бераётган бўлса, мана бир неча йиллардан буён йилнинг қайси фаслида бўлмасин, бозор ва дўконларимизда кундалик истеъмол учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот ва меваларнинг мўл-кўллиги таъминланиб, нарх-наволар барқарор турибди. Бу албатта, юртимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг жадал равишда ривожланиб, ғалла, гўшт-сут, мева-сабзавотлар таъминотининг йилдан-йилга сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини намоён этади. Дарҳақиқат, миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг ўтган йилги меҳнатлари ниҳоятда самарали бўлди. Зеро, улар турли об-ҳаво қийинчиликларига қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва ва полиз маҳсулотлари, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотларини етиштириб, элимиз дастурхонининг тўкин ва фаровон бўлишига муносиб ҳиссаларини қўша олдилар.

Мамлакат куч-қудрати ва салоҳиятини, халқ фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимиз обрўэътиборини юксалтириш йўлида ўтган йилда янгидан-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистонимизнинг юқори ўринларни эгаллаётгани бугун барчамизнинг кўнглимизни чексиз ғурур ва фахрга тўлдириб турибди, албатта.

Таъкидлаш керакки, ўтган йил мамлакатимиз сиёсий ҳаёти ҳам тарихий воқеаларга бой бўлди. Давлатимиз раҳбарининг кўпгина халқаро анжуманларда иштирок этиши, дунёдаги етакчи давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувлари, мулоқотлари, мамлакатимизга ташриф буюрган олий мартабали меҳмонларнинг Ўзбекистон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Жумладан, ўтган йил 11 июнь куни БМТ Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котибининг учрашуви чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги самарали мулоқотни давом эттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, ядро қуроли тарқалишига қарши курашиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экология муаммоларини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва наркотрафик хавфига қарши курашиш ҳамда бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, ўтган йил октябрь ойида Япония Бош вазири Шиндзо Абэ расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Шиндзо Абэ билан бўлиб ўтган тор доирадаги учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Ўзбекистондек ажойиб мамлакатга келганим, Сиз Жанobi Олийлари билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман. Япония билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани ва изчил ривожланиб келаётганида Сизнинг хизматларингиз беқиёс. Мамлакатингизда японлар билан боғлиқ тарихий жойлар ҳурмат-эътибор билан асраб-авайлаб келинаётгани учун Япония халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман, — деди Шиндзо Абэ мазкур учрашув чоғида.

Сир эмаски, айни кунда жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этмоқда, дунё бозорида вазият ноаниқ бўлиб қолмоқда, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб, уруш ва талотўплар ваҳимасидан, омилкорлик билан сингдирилаётган, тажовуз ва агрессиянинг янгича услубларидан дунё зир қақшамоқда. Узоқ ва яқин юртларда содир бўлиб турган террористик ҳаракатлар, қудратли давлатларнинг мустақил мамлакатлар ички ишларига аралашуви, турли хил босим ўтказишлар одатий тусга кириб бораётгани олам аҳлини ташвишга солмоқда.

Албатта, бундай вазиятлар ҳар биримизни янада ҳушёрлик ва огоҳликка, юрт тинчлигидек бебаҳо неъматни асраб-авайлаш, уни кўз қорачиғидек сақлашга, қадрлашга даъват этади. Зеро, бунёдкорлик, хурсандчилик ва байрамлар фақат тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлган юртга ярашади.

Таъкидлаш керакки, кириб келган янги йил ҳам Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлиши, янгидан-янги иншоотлар, объектларнинг қурилиб фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Хусусан, қилинаётган прогнозга кўра, 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Буларнинг барчаси шубҳасиз, юрт ободлигию халқимиз ҳаётининг фаровонлигига олиб келади. Шунингдек, янги йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Айни пайтда юртимизни улкан бунёдкорликлар майдонига қиёсласак хато бўлмайди. Жумладан, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғгаз турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини тугатиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар рўёби ҳам 2016 йилнинг воқелигига айланиб, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволга муносиб жавоб бўлади.

Яна бир яхши мужда шуки, янги йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтаётган 19 километрлик туннель қурилиши ҳам якунига етказилиб, Фарғона водийсини бутун мамлакат билан боғлайдиган темир йўл тармоғи ишга тушади. Албатта, янги йилимиз бунга ўхшаш кўпдан-кўп хушхабар ва эзгуликлар, янгилик ва шодиёналар билан халқимизни янада қувонтиришига имонимиз комил.

**Абдумажид АЗИМОВ**

**Бу турфа олам**

## ЦУКЕРБЕРГНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ



**Шундай омадли бизнесменлар борки, улар эришаётган ютуқларга фақат ҳавас қилиш мумкин. “Facebook” ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукерберг энди уй ишлари билан шуғулланадиган “оддий сунъий интеллект” яратиш ниятида.**

Бу ишга у 2016 йилнинг энг муҳим вазифаси сифатида қарамоқда. Янги мосламанинг вазифасига овоздан таниш, мусиқани хотирасида сақлаш, ёритиш ҳамда ҳароратни ўлчаш ҳам киради. Бундан ташқари, у сунъий интеллектга эшик қўнғироғи чалинганда дўстларни юзидан таниш ҳамда болалар хонасида нималар юз бераётганини аниқлаб туришни ҳам “ўргатмоқчи”.

Цукерберг турли инновацион лойиҳалар муаллифлари билан “Facebook”да мулоқот қилиш кўп вақтини ўғирлаётганини айтди. Компаниянинг 30 ёшли раҳбари ижтимоий тармоқнинг 56 фоиз акциясига эгалик қилмоқда. Айни пайтда бизнесменнинг 19 миллиард доллар маблағи бор. Ўтган йил 2 декабрда Цукерберг ва унинг рафиқаси Присцилла Чан қизлик бўлишди.

## ЙИРИК КАЛЬМАР ВИДЕОГА ОЛИНДИ



**Японияда замонавий видео воситасида уммон тубидан деярли чиқмайдиган йирик кальмар суратга олинди. Ушбу жонзотнинг узунлиги 16, танасининг эни 3,5 метр бўлиб, океан тубида ҳаёт кечиради.**

Йирик кальмарлар асосан балиқ ҳамда майда кальмарлар билан озиқланади. Уларни фақат кашалотлар безовта қилиши мумкин. Авваллари кальмарларнинг жасадлари қирғоққа чиқиб қолгандагина уларни тасвирга олиш имкони пайдо бўларди. Худди шундай суратлардан бири 2004 йилда олинган. Дайвер Акинобу Кимур биринчи бор тирик кальмарни видео тасвирга олишга эришди.

— Мендаги қизиқиш қўрқувдан кўра устун келди, — дейди у. — Ногаҳон бандаргоҳда пайдо бўлган махлуқни суратга олиш имкони туғилди. Сувга сакрадим ва уни атиги бир неча юз метр нарида кўрдим. У ўзидан қора суюқлик чиқарди ва пайпаслагич қисқичи билан мени ўзига тортмоқчи бўлди. Шундан сўнг кальмар уммон қаърига ғойиб бўлди.

## ВАТЕРЛОО ЖАНГИ ШАРАФИГА КЎРГАЗМА



**Тарихда дунёни зир титратган саркардалар кўп бўлган. Шулардан бири Наполеон Бонапарт. Бундан 200 йил аввал — 1815 йил 18 июнда Ватерлоо ёнида энг катта жангини бошлаган ва мағлубият билан тугатган эди.**

Европага салкам 50 йил тинчлик ҳадя этган императорнинг ушбу жанговар юриши шарафига тарихчилар Ватерлоонинг 200 объекти тўғрисида кўргазма ташкил этишди. Ушбу галереядан 2015 йилнинг энг шов-шувли воқеалари ҳам ўрин олган.

Жанг олдидан иттифоқчилар лагери тарафида кечаси билан шаррос ёмғир қуйди. Солдатларнинг кўпи ташқарида, очиқ осмон остида ухлашарди. Об-ҳавонинг бундай ҳазили уларнинг кайфиятига ҳам таъсир этди, уйқудан маҳрум қилди. Аммо шунга қарамай, армиянинг умумий руҳи тушкун эмас эди. Негаки, бу армия қўмондони Веллингтон кўплаб ғалабаларга ёмон об-ҳаво шароитида эришган.

**Интернет материаллари асосида Х.АХМАДЖОНОВА тайёрлади.**

**ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

Reklama

# ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области. ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**1. «Пристройка здания спортзала 18x30 со воспомогательными помещениями к школе №7 в г.Навои Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 965 868 230 сум, с НДС 1 159 041 876 сум**

**Срок окончания работ, установленный заказчиком** до 1 августа 2016 года.

**Финансирование проекта будет осуществляться** за счет средств фонда развития детского спорта.

***(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)***

**2. ЛОТ №8.**

**Лот №8-1. «Пристройка здания спортзала 12x24 м со вспомогательными помещениями к школе №39 в Хатирчсинском районе Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 570 296 800 сум, с НДС 684 356 160 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

**Лот №8-2. «Пристройка здания спортзала 12x24 м со вспомогательными помещениями к школе №20 в Навбахорском районе Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 577 363 140 сум, с НДС 692 835 768 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

**Лот №8-3. «Пристройка здания спортзала 12x24 м со вспомогательными помещениями к школе №17 в Кизилтепинском районе Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 574 843 224 сум, с НДС 689 811 869 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств фонда развития детского спорта.

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

**3. ЛОТ №9.**

**Лот №9-1. «Водоснабжение села «Дустлик» ССГ «Янгиработ» Хатирчинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 144 222 290 сум, с НДС 173 066 748 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 дней.**

**Лот №9-2. «Трасса водопровода по улице «Навруз» МСГ «Мустакиллик» в г.Нуроте Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 134 369 433 сум, с НДС 161 243 320 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 дней.**

**Финансирование проекта будет осуществляться** за счет средств государственного бюджета

**(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)**

**4. «Водоснабжения села «Момикчи» Конимехского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 1 373 370 615 сум, с НДС 1 648 044 738 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **150 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств государственного бюджета.

**(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)**

**5. «Трасса водопровода для водоснабжения кишлака «Кизилча» ССГ «Кизилча» Нуратинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 258 692 600 сум, с НДС 310 431 120 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **90 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств государственного бюджета

***(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)***

**6. «Реконструкция поликлиники №2 на 250 посещений в г.Навои».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 1 971 235 871 сум, с НДС 2 365 483 045 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 сентября 2016 года.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств внебюджетного Фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев и медицинских учреждений при Министерстве финансов Республики Узбекистан.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

**7. «Реконструкция школы №81 (пристройка учебного блока на 160 учащихся) в Хатирчинском районе Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 440 584 712 сум, с НДС 528 701 655 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств внебюджетного Фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев и медицинских учреждений при Министерстве финансов Республики Узбекистан.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98.

*Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.*

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул. Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Ўзлик

Давлатимиз раҳбарининг, “Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин”, деган сўзлари ҳар биримизни ўйлашга, керак бўлса ҳаётимизни, босиб ўтган йўлимизни кўз ўнгимиздан ўтказишга ундайди.





# СЎНМАС ЭЪТИҚОД

Ахир, бу ҳам ўзимиз шоҳиди бўлган тарих. Ўйга толаман: ўтган даврда туғилиб ўсган юртимга, киндик қоним тўкилган маконга муносабатим қандай бўлди?

Қандайдир давраларда, оддий бир суҳбатларда шу юртнинг вакили сифатида ўзимни қандай тутдим? Қишлоқдошларим томонидан авайлаб-асраб келинаётган қадриятлардан юз ўгирмадимми, эътиқодим қандай шаклланди, ота-бувалар удумини унутмадимми, уни тиклаш ва давом эттириш учун нима қилишим керак ва ҳоказо.

Қадриятлар — халқларнинг ўзига хослигини белгилаб берувчи хусусиятлар мажмуи, деб айтсак нотўғри бўлмас. Ҳар бир халқ ўзининг қадриятлари билан тирик. Улар қадриятларидан ажратишга қаратилган сиёсат унинг келажагини йўққа чиқариш учун олиб борилган ҳаракатдир.

Сирасини айтганда, шундай ҳаракатлар собиқ шўролар тузуми даврида юз берди. Сунъий равишда “совет халқи” тушунчаси киритилди. Маҳаллий халқларнинг ўз қадриятларини унутишлари учун барча чоралар кўрилди. Эътиқодини сўндиришга киришилди. Диннинг халқлар учун афюн деб эълон қилиниши мана шундай ҳаракатларнинг кўринишларидан биридир. Бундан, ҳаттоки, рус халқининг ўзи ҳам жабр кўрди.

Лекин зўравон давлат машинаси қанчалик ҳаракат қилмасин, одамлар эътиқодини унутиб юбормадилар. Қанчалик тўсқинлик қилишмасин, ўшанда ҳам қишлоғимизнинг уч-тўртта оқсоқоли (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) ҳар жума куни қирқ чақирим масофа йўл босиб шаҳарга жума намозига бориб келишни канда қилмаган. Бунинг учун улар икки-икки ярим километр йўл юриб катта йўлга чиқишлари, боз устига дарёни кечиб ўтишлари керак эди. Қиш фаслида сув совуқлиги, баҳорда тошқинлиги сабабли баъзан болалари, баъзан невералари отда катта йўлга чиқариб қўйишарди. Қайтишда ҳам шу аҳвол.

Ҳар замонда ўйлаб қоламан. Бу оқсоқолларни нима мажбур қилди экан? Нимага улар ўз эътиқодларидан воз кечмаганлар? Мен ўша пайтларда уларнинг эътиқодлари мазмун-моҳияти нимадан иборат эканлиги ҳақида, кўнгилларининг туб-тубида қандай ўй борлиги тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмасман. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам бир нарса аниқки, улар ўз эътиқодларига қарши бормаганлар. Аслида, улар ота-буваларининг ишларини давом эттириш, уларнинг эътиқодини давом эттириш билан ўзлари тушунган ёки тушунмаган ҳолда мавжуд тузумни тан олмаганлар. Қолаверса, қадриятларимизни, муқаддас динимизни сақлаб қолганлар.

Афсуски, ўша оқсоқоллар мамлакатимиз мустақилликка эришганини кўрмадилар. Динга бўлган эътибор бугунги эмин-эркин, дориламон кунларни кўриб кўнгиллари тоғдек кўтарилган бўлармиди.

Ўша даврларда бизнинг қишлоғимизда дарвешона ўтказиш удуми деярли тўхтаб қолган бўлса-да, Наврўзни нишонлашга қанчалик тўсқинлик бўлмасин, бутун қишлоқ аҳолиси кичик-кичик гуруҳ бўлиб янги йилни кутиб олишарди, сумалаклар пиширишарди, кечаси билан аёллар доира чалиб ўйин-кулги қилишарди. Тўғриси, у пайтлар Наврўз яқинлашаётгани, унинг тарихи, шаклланиши, халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида матбуот, оммавий ахборот воситаларида кам маълумот беришганми, таълим муассасаларида бу ҳақда гапирилмаганми, ҳар қалай, кўтаринкилик руҳи — байрам руҳи сезилмасди.

Умуман тақиқлаб қўйилгандан кейин ҳам Наврўз унут бўлмади. Бир куни дарсдан қайтиб келаётсам онамиз уч-тўрт қўшни аёл билан далада тўпланишиб ўтиришарди. Имлашганди, секин ўша томонга бурилдим. Э-э, булар нима қилишяпти деб ҳайрон ҳам бўлиб қўяман. Наврўз қиляпмиз, кел, ўтир, манавилардан ол дейишди. Бундай қарасам, ҳаммаси уйдан топганини олиб чиқишган. Худди бир елкасига офтоб теккандек ҳаммасининг кайфияти чоғ. Илгарилари Наврўзни қандай кутиб олишган, қандай байрам қилишган, сумалаклар – ҳаммасини эслаб ўтиришарди.

Кечки пайт отамиз раҳматлига онамиз қўшнилари билан Наврўзни нишонлаганларини айтиб бердилар. Ҳойнаҳой, ҳаммасини сен тўплаган бўлсанг керак-да. Эҳтиёт бўлинглар, тағин усти ёпиқ мошинага солиб олиб кетиб қолишмасин, деб қўйдилар. Лекин Наврўзни нишонламанглар демадилар.

Наврўз байрами биз ва қўшниларимиз томонидан то 1990 йилгача мана шу тарзда нишонлаб келинди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳали мустақилликка эришмасимиздан олдин — 1990 йил 3 майдаги“Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида”ги Фармони битилаётганда халқимизнинг мана шундай ўлмас туйғуси асос қилиб олинганлигини, мустақиллик сари кутлуғ қадам эканлигини, уни руёбга чиқариш эса буюк жасорат бўлганлигини бугун биз ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунда ҳам эътиқодини йўқотмаган инсонлар топилди. Курашли, улоқ-кўпкарили тўйлар ўтказишни давом эттирдилар. Келин-куёв тўйлари “вечер”га айлантирилса-да, ота-боваларимизнинг одатлари йўқолмади. Деярли барча удумлар сақлаб қолинди, диний никоҳсиз ҳеч бир ота қизини уйидан чиқариб юбормади. У ўзининг эътиқодида қатъий турди, халқимиз ўз қадриятларини, ўзлигини ана шундай асраб-аввайлаб авлодларга етказиб келди.

Мана шундай оқибатли, эътиқодли инсонлар бўлгани учун ҳам биз ҳозир ҳам дастурхонни ёзганимизда, уни йиғиштириб олаётганимизда фотиҳага қўл очишни эсдан чиқармадик. Яратганнинг марҳамати билан қадриятлари унутилмаган юрт ёхуд эътиқоди сўнмаган халқ сифатида ўзимизни, ўзлигимизни мустақилликка асрай олдик. Унга қаратилган ҳар қандай қарши ҳаракат эса мустақилликка эришиш жараёнларини тезлаштирди.

**Ўрол ХАЙИТОВ**
*Қамаши тумани*

Кузатув

# ВАҚТ — нақд ва бахтга элтувчи йўл

Сарфлангани сари — пулнинг камайгани билинади, ҳаракат қилингани сари қувват кетади, кучнинг камайгани сезилади. Лекин вақтнинг кетгани, умрнинг ўтгани секин билинади. Инсон ҳеч нарсани вақтни совурганчалик совурмаса керак. Мана масалан, бир хил одамлар 100 қисмли сериални томоша қилиб чиқдим дейишса, айримлар эрталабгача компьютерда ўйин ўйнадим, интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўтирдим дейишса, ҳайрон қоламан.

Ёш йигит-қизларнинг туни билан телефонда гаплашиб чиқишини эшитсам, бу ҳолни ҳеч ҳам ҳазм қилолмайман. Кино ихлосманди бўлиш ҳам, қизиқарли ўйину ижтимоий тармоқлар ва телефондаги мулоқотлар ҳам керак, фақат меъёрида бўлгани яхши. Лекин улар учун ортиқча вақт кетказиш ўтаётган умрдан унумли фойдаланмасликдан бошқа нарса эмас.

Яқинда шоу бизнесдаги хонанда аёллардан бири ўзининг уйқудан кеч туришини айтиб, интервью берди. Бу барака топкур «юлдуз»га қанча ёшлар ҳавас қилади, керак бўлса, тақлид қилади. Шуни таъкидлаб, ҳаммага билдириш шартмиди? Қолаверса, эрта тонгда уйғониш куннинг баракали ўтишига олиб келади. Ота-боболар, момолар азалдан ёш авлодга Яратган тонг вақти инсонга насиба улашади, деб уқтиришган. Қуёш чиқмасдан уйғониб, ишга киришсак, кўп нарсага улгуришимиз барчага маълум ҳақиқат. Ҳар гал шу ҳақда ўйлар эканман, таниқли шоир Омон Мухторнинг «Ўзбекистон тонгларини ухламасдан ўтайлик», шеърий мисраси ёдимга келади. Ҳақиқатан ҳам, она Ватанимиз тонглари, айниқса, баҳор ва ёз фаслларида қанчалар мунаввар, қанчалар гўзал бўлади. Буни таърифлашга тил ожиз. Лекин эрта тонгдан туриб яхши ниятлар қилиш, эзгу орзу-ҳавaслар билан кунни бошлаш қандай ҳикматга эгалиги барчага аёндир.

Бугун орамизда кунини режа асосида ўтказиб, фойдали иш билан машғул инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Бундайлар учун мудом вақт етишмайди. Уларнинг беҳуда гап сотишга ҳам, кимнидир ғийбат қилишга ҳам вақти йўқ. Ҳақиқатдан ҳам, вақтнинг қадрини иши кўплигидан уларни бажаришга фурсати етишмай қийналаётган одам билади. Яна дейдиларки, вақтнинг қадрини имтиҳондан йиқилган абитуриентдан, суюклисини кутаётган ошиқдан, поездга кечиккан йўловчидан сўраган маъқул. Айни пайтда бу саволни ҳар биримиз ўзимизга ҳам бериб кўрсак фойдадан холи бўлмайди.

Бу ерда гап нафақат ўз вақтимизнинг қадрига етиш ҳақида эмас, балки бир-биримизнинг вақтимизни қадрлаш ҳақида ҳам бормоқда. Минг афсуски, кўпчилигимиз баъзида билиб, баъзида билмай таниш-билиш, қариндош-уруғ ва ҳамкасбларимизнинг вақтини беҳуда кетишига сабабчи бўлиб қоламиз. Ваҳоланки, бугун ҳаммамизга вақт етишмайди. Шунинг учун бошқаларни ҳам ўзимиз каби кўриб, тушунсак, жилла қурса, тушунишга ҳаракат қилсак бўларди. Йўқ, ўзимнинг ишим битса бўлди, қабилида иш тутадиганлар кўпинча, атрофдагиларнинг кайфияти бузилишига сабаб бўлади. Узоққа бормайлик. Иссиқ жоннинг иситмаси бор дегандек, баъзида шифохона ёки поликлиникаларда шифокор қабулига кириш учун навбатда туришга тўғри келади. Тартиб билан навбат кутаётганда, кимлардир барибир навбатни бузиб шифокор ҳузурига олдинроқ киришга ҳаракат қилади. Ёки шифохонада ишлайдиган шифокор ёки ҳамшира ўзини шу ернинг хўжасидек тутиб, қайсидир танишини етаклаб, навбатдан олдин олиб кириб кетади. Буёғига одамгарчилик юзасидан ҳеч ким лом-мим демайди. Навбатда турганлар орасида аҳволи оғирлар бордир, кексалар, балки ҳомиладор аёллар бордир. Бундай пайтларда атрофга қарашимиз, ўзаро ҳурмат бўлиши, бир-биримизнинг вақтимизни қадрлашимиз керакмасми? Эрталабдан келиб навбатда турган шунча одамнинг ички норозилиги ҳисобига кириб чиқиб, одам соғайиб кетмас, ахир?! Майли, соғайиб кетсин! Аммо...

Айрим ташкилот ва муассасалардаги вазият эса, янада жиддийроқ. Мана бир мисол. Бир раҳбарнинг қабулхонасида 5-6 киши кутиб турибмиз. Ярим соат бўляпти ҳамки, кириб кетган одам чиқавермади. Шунда ёнимизда турган киши, бугун ҳам киролмайман, шекилли, деди. Рўпарамизда турган икки аёл эса, сиз икки кундан бери турган экансиз, биз беш кундан бери қабулига киролганимиз йўқ, дейишди. Қабулида кутаётганларнинг вақтини қадрламайдиган, келувчиларнинг арз-шикоятларини эшитиш вазифаларидан бири эканлигини тўғри англамайдиган раҳбарлар, оз бўлса ҳам, афсуски, бор. Масъул ўринларга ўтириб қолган айрим калондимоғ эркаклар ва хонимчаларнинг керилишдан, ўзига оро беришдан муҳимроқ иши йўқдек, таассурот уйғонади. Ишга кеч келиб, эрта кетиш – уларга одат. Иш кунининг энг муҳим қисми – тушлик пайти. Ишингиз тушиб борганда, вазифасини эслатиб кўринг-чи? Энг камида, ўдағайлашини кўрасиз. Тинчгина ишимни битказиб олай дейсиз-да, яна. Кўзларини ёғ, қалбларини ғафлат босган бу каби ходимлар бугун бўлмаса, эртага ўз ўрнини муносибларга бўшатиб беради ҳам. Аммо унгача қанча одамнинг у ёққа чоп, бу ёққа чоп қилгани, сарсонсаргардонлиги, вақти беҳуда сарф бўлиб, иши орқага кетгани, асаби ишдан чиққани қолади. Шуниси – чатоқ.

Айтиш керакки, вақтдан унумли фойдаланишни биладиган раҳбарлар ҳам кўп. Мен ана шундай раҳбарлардан бирини билардим. У қабулида навбатда турганларнинг ҳар бири билан 2-3 дақиқадан гаплашиб, масаласини ё у ёқли ёки бу ёқли қиларди. Узоқроқ ҳол-аҳвол сўраб, ишдан ташқари гапларга чалғий бошлаганларга ўзини шундай тутардики, ҳалиги одам ҳам унинг вақти зиқлигини англаб, кетишга чоғланарди. Эзмаланаверган одамга эса, шартта ўрнидан туриб, эшик сари юрарди: қабул вақтингиз тугади, дегандек. Сўнг яхши гапириб кузатиб юборарди. Бу каби ҳол жуда кам бўларди, албатта. Аммо келганларнинг асосий қисми иши тез битганидан, вақти тежалганидан мамнун кетишганига кўп гувоҳ бўлганман.

Мавзуимиз беихтиёр бизни ёшларнинг вақт қадрига етиши зарурлиги ҳақидаги мулоҳазаларга олиб боради. Ҳазрат Навоий ўз вақтида «Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани, қарилик чоғида харж қилғил ани» деб доно ўгит билдирганлар. Ростдан ҳам ёшликда ўрганилган билим ҳам, ҳунар ҳам тошга ўйилган нақш каби бир умрга бизни тарк этмайди, бизга фақатгина наф келтиради. Инсоният тарихига назар ташласак, катта натижаларга эришиб, улуғлик даражасига кўтарилган барча инсонлар вақтнинг қадрига етганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ижро интизоми, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик каби тушунча ва атамалар ҳаётимизга кириб келаётган бугунги кунда вақтнинг қадрига етиш долзарб масалалардан, деб ўйлайман.

Шу жойга келганда, ортиқча вақтингизни олмасдан мақолани якунламоқчиман. Азиз газетхонлар, мана 2016 – янги йилга ҳам қадам қўйдик. Ўтган йилда бой берган вақтимизни бу йил қўлдан чиқармайлик, ундан унумли фойдаланиб, янада каттакатта муваффақиятларни қўлга киритайлик. Ахир, вақтинг кетди, нақдинг кетди, деб бекорга айтишмаган-ку, ота-боболаримиз. Вақт нақдни, нақд эса бахтни етаклаб келаверади. Бахтингиз бутун бўлсин, азизлар!

**Лазизжон БАХРАНОВ**

Ҳамма биладиган, аммо амал қилмайдиган гаплар

# КИЧИК ҚУТИДАГИ КАТТА ОФАТ

Меҳмонларни кузатгач, дастурхонни тартибга келтирарканман, стол четида турган қутичага кўзим тушди. Меҳмоннинг келгани бош устига, аммо ебичиб ўтирган хонада сигарета чеккани ёмон-да. Қўлимдаги қутининг нималигига ажабланмасам-да, қизиқишим ортиб, аста разм солдим. Унга «Сигарет соғлиқ учун зарарли, чекиш сигаретга кучли қарамликка чақиради» деб ёзиб қўйилибди.




Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, дунёда ҳар йили 5 миллиондан ортиқ инсон тамаки чекиш туфайли келиб чиқадиган хасталиклар оқибатида ҳаётдан кўз юмаркан. 17 миллионга яқин одам эса айнан кашандалик оқибатида юрак-томир, ўпка саратони, сил, ошқозон ости бези яллиғланиши, кўкрак бези саратони сингари касалликларга чалинар экан. Ўзи кичкина бир ўрам бўлган тамаки таркибида тўрт мингдан зиёд кимёвий унсур мавжудлигини, уларнинг қирқдан ортиғи ўсма касалликларини келтириб чиқаришини, шунингдек, ундаги смола, ис гази, кадмий, ацетон, бензол, маргимуш ва бошқа тўрт юздан ортиқ заҳарли моддалар борлигини кашандаликка ружу қўйганлар билишармикан? Айниқса, сигаретнинг чекувчилар атрофидагиларга салбий таъсир кўрсатишини-чи? Буни замондошларимизнинг англамаслиги, англасалар-да, тартибга риоя этмаслиги ачинарли ҳол.

Бугун инсоният учун энг хавфли одатлардан бирига айланиб бораётган ушбу глобал муаммони бартараф этишга жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ассамблеяси томонидан 2003 йили «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши курашиш бўйича махсус конвенцияси қабул қилинганлиги шулар жумласидандир. Айни кунда 174 давлат унинг иштирокчиси ҳисобланиб, улар орасида Ўзбекистонинг ҳам борлиги ва бу аҳолини, унинг асосий қисми бўлган она ва болалар саломатлигини сақлаш учун қўйилган мустаҳкам қадамлардан яна бири эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таассуфки, бу йўлда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, кузатишлар кашандалар сони дунё бўйлаб кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида унинг қурбонлари сони ҳам ортиб бораётир. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб ўлим ҳолатларининг 10 фоизи тамаки чекиш оқибатида содир бўлар экан. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, 2006 йилда ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, мамлакатимиздаги эркакларнинг 19,6 фоизи сигарет, 22,3 фоизи нос истеъмол қилади. Аёлларимиз орасида ҳам кашандалар учраётгани кишини ташвишга солади. Уларнинг она ёки бўлажак она эканлигини ҳисобга олсак, юртимизда кашандаликка қарши аёвсиз кураш очиш керак экан, деган фикрга бориб қоласан, киши. Ахир, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Шундай экан, бу борадаги курашни жонлантиришимиз керак. Ачинарлиси, кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, чекувчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Улар мактаб давриданоқ бу ёмон одатга ўрганишмоқда. Албатта, унинг олдини олиш, ёшларда тиббий маданиятни юксалтириш, уларни спорт ва бадантарбия машғулотларига кенгроқ жалб қилиш, бунинг учун яратилган барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш зарур. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда айниқса, ёши катталар ибрати муҳим роль ўйнайди. Бунда оила аталмиш қўрғоннинг ўрни алоҳидадир.

***

«Ўзгани ўзингдек сев» дейилади қадимий китобларда. Ўғлини сигарет олиб келиш учун кўчага чиқариб юборган отани ёки танаффус вақти талабалардан тутантириқ сўраб, камига бирга чекиб турган ўқитувчиларни «устозингни айтганини қил-у, қилганини қилма» деган нақл билан ҳам оқлаш мушкул.

Бугун кўча-кўйда, бекатларда «семичкачи» холаларнинг бир оз камайганлигини сезиш мумкин. Айниқса, марказий кўчаларда улар деярли учрамайди. Болаларнинг кўзини қувнатадиган, ранг-баранг қоғоздаги ширинликлар, қурут, сақичлар сотадиган бу аёлларга, очиғи, эътироз билдириш инсофдан эмас. Улар тирикчилик ниятида қилаётгандир шу ишни. Лекин уларнинг баъзан бекитиб, гоҳо ошкора тарзда сўраганга доналаб сигарета сотишларини тушуниш ва уларга тушунтириш қийин. Санитария талабларига жавоб бермайдиган, очиқ тарзда сотиладиган, лицензиясиз бундай кўчма «сотувчилар»нинг фаолият олиб боришларини назорат қилишни янада такомиллаштириш зарурмикан, деган фикр ўтади хаёлдан. Чунки улар бу борада чиқарилган меъёрий ҳужжатлар ва жавобгарликлардан бехабар чоғи, ҳартугул бундай ишларини пана-пастқамда ҳали-ҳамон давом эттирмоқда. Кузатиб турсангиз, уларнинг доимий харидорлари ичида юқори синф ўқувчиларидан тортиб, кексаларгача бор.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари олди-сотдисини назорат қилиш борасида ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, «Реклама тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида белгиланган тартибда мазкур масала ўз ифодасини топган. Бунда тамаки маҳсулотлари рекламаси мутлақо тақиқланган бўлиб, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган нуқталарда, жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотлари истеъмоли ман қилинган. Шунингдек, 20 ёшга тўлмаганларга уни сотиш мумкин эмас. Тамаки сотувчи савдо объектлари таълим, спорт ва диний муассасалардан камида 500 метр узоқликда жойлашиши зарурлиги алоҳида қайд этилган. Юқоридаги тартиб-қоидаларни бузган шахслар ва мансабдорлар жавобгарликка тортилади.

Шуни ёдда сақлаш лозимки, кашандалик худди ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатлари каби ижтимоий, ахлоқий ва маънавий омиллар билан боғланган. Кашандаликнинг кўпайиши жамиятнинг ижтимоий устунлари зарар кўришига, ахлоқий қадриятлар кучсизланишига ва маънавият емирилишига сабаб бўлади. Кашандалик нафақат шахслар, балки давлатнинг иқтисодиётига ҳам катта зарар етказувчи иллат. Унинг олдини олиш, чекишга муккасидан кетганларни даволаш учун ер юзида йилига миллиард-миллиард маблағ сарфланади. Шу боис, бунга кўр-кўрона эргашмасдан, вақтида тўғри хулоса ясаш, иродани мустаҳкамлаб, бир ҳовучлик вақтни яхши амалларга бағишлаш ҳаётимизнинг гўзал ва хушвақт ўтмоқлигини таъминлайди. Токи, атрофдагилар сизни хушхулқингиз билан, бажарган савоб амалларингиз орқали эсласин.

Бугун бу иллатдан ўзингизни тўхтата олмасангиз, эртага фарзандингизни тўхтатолмайсиз.

**Наргиза АСАДОВА**

**Маънавият илдизлари**

# ЭЗГУ ФИКР, СЎЗ, АМАЛ

**Аждодларимизнинг тафаккури ва даҳоси билан яратилган буюк маънавий бойликлар билан ҳар қанча ғурурлансак ва фахрлансак арзийди. Улар камдан-кам халққа насиб қилган энг қадимги ноёб тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, илм-фаннинг кўп соҳаларига доир минг-минглаб тарихий аҳамияти нуқтаи назаридан дунё тамаддунига улкан ҳисса бўлиб қўшилган дурдона асарлардир. Улар орасида "Авесто" ажралиб туради.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, "Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, "Авесто" деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Аввалambор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу қўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради".

"Авесто" фақат Шарқ эмас, балки Ғарб тамаддунига — фалсафаси, ҳуқуқшунослиги ва сиёсатшунослиги, диншунослиги ва социологияси, этикаси ва эстетикаси, илм-фаннинг бошқа кўплаб соҳаларига жуда кучли ва ижодий таъсир кўрсатган. Шунга қарамай, халқимиз мустабид тузум даврида ўзининг бу каби бебаҳо маданий ва тарихий ёдгорликларини ўз она тилларида ўқишдан, баҳра олишдан маҳрум эди.

Фақат Истиқлол шарофати билан "Авесто" ўзбек халқининг беқиёс миллий обидаси сифатида маънавий бойлигимиз хазинасининг тўридан муносиб ўрнини эгаллади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Авесто"нинг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида махсус қарори қабул қилинди. Бу ташаббус Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича ихтисослашган муассасаси – ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб, ушбу сана дунё миқёсида кенг байрам қилинди.

Ўша вақтда мамлакатимизда "Авесто"ни ўзбек тилида нашр қилиш бўйича нуфузли ижодий гуруҳ тузилди. "Авесто"ни чоп этиш учун унинг дунёда энг тўлиқ нусхаси сифатида икки жилдлик Теҳрон нашри танланди.

Милоддан аввал, ўттиз аср муқаддам Хоразм воҳасида дунёга келган "Авесто"нинг бугунги кундаги аҳамияти нимадан иборат? У ҳозирги давр воқелиги билан нақадар ҳамоҳанг, деган табиий савол туғилиши табиий.

Биринчидан, "Авесто"да турли қабилалар ўртасида кўпдан давом этиб келган низоларга чек қўйишга, муштарак ғоялар, муштарак мақсадлар, муштарак манфаатлар асосида бирлашишга, марказлашган бошқарув тизимини шакллантиришга даъват марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туришини ёддан чиқармаслик зарур.

Тарихий манбалар милоддан аввалги 1000 йиллар ўрталарида Бақтрия, Сўғд, Хоразм тарихий-маданий ўлкалари, сиёсий ҳокимият тизимлари шакллана бошлаганидан далолат беради. "Авесто"да қайд этилган "дахью" ("мамлакат"), "састр" ("ҳукмдор") ва бошқа ибора-лар бунинг исботидир. Бу тарқоқ воҳаларни ягона давлат тузилмасига айлантириш, кучли ҳокимият барпо қилиш ғояси ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ривожланиш эҳтиёжларини акс эттиради. Ана шу сиёсий ғоялар "эзгу ҳокимият" тимсолида тасаввур этилган. "Эзгу ҳокимият" одамлар тинчлик ва тотувлик, фаровонлик шароитида яшайдиган, адолат билан иш тутиладиган "олтин аср"га асос солади.



Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний аянч билан гувоҳлик берганидек, "Авесто"нинг "Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Абистонинг, (яъни "Авесто"нинг) 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (Александр Македонский) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди".

Муаррих Балъамийнинг "Тарихий Балъамий" китобида ҳақиқатан ҳам "Авесто" шоҳ Гуштасб олий фармони билан 12 минг бош мол терисига подшо мирзолари томонидан тилла сувида битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилган.

Шунингдек, "Авесто"нинг буюк аҳамияти – жамиятни парокандаликка етаклайдиган, кескин ижтимоий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўладиган кўпхудоликни (политеизмни) инкор этиб, Ахура Мазда сиймосида ягона Тангрини эълон қилишидир. Шу маънода, "Авесто"ни диний асар сифатида бир тизимга солган Зардушт тарихий шахс, яъни инсоният тамаддунида ҳал қилувчи роль ўйнаган буюк ислоҳотчи зот вазифасини ҳам ўтаган.

"Авесто" жаҳон ҳуқуқ тарихида нодир ҳуқуқий ёдгорликдир. Унинг ўзи кўпчилик шарҳловчилар томонидан "қонунлар мажмуаси" деб таржима этилади ва бу унинг зардуштийлар давридаёқ ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида қабул қилинганлигидан далолат беради. Унда иқтисодий ва ижтимоий, диний ва оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган. Бу таълимотдан қариндошлик муносабатлари, оталик, меросхўрлик, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўрин олган.

Маълумки, мазкур муқаддас маданий ёдгорлик "Катта Авесто" ва "Кичик Авесто"дан иборат. "Катта Авесто"нинг иккинчи қисми – "Вандидод" бевосита ҳуқуқий масалаларни қамраб олган. Унда ҳатто жиноятлар турлари таснифлаб берилган масалан, динга, шахсга, ахлоққа, табиат кучларига, ҳайвонларга қарши ҳамда мулкий жиноятлар тасниф этилган.

Динга қарши жиноятлар турларига қабила маъбудларига сиғиниш, диндорнинг ўзга диндаги билан никоҳи, покловчи таомилларнинг нотўғри бажарилиши кабилар киритилган. Айниқса, инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар батафсил таснифланган. Хусусан, инсонга қасддан қилинган ва жаҳл устида қилинган ҳужум фарқланади, биринчи марта қилинган жиноят ва ўз айбига иқрор бўлиш жазони енгиллаштиради. Мулкий жиноятлар қаторида эса ўғирлик, босқинчилик, қароқчилик ва фирибгарлик келтириб ўтилган.

"Авесто"да табиат кучларига қарши жиноятлар ҳам таснифланганини эътиборлидир. Чунончи, ер, сув, ўсимлик дунёсига қарши жиноятлар ҳаёт манбаига тажовуз, жамият асосини кўпориш деб ҳисобланган ва шунга яраша жазо чоралари белгиланган.

Бундан ташқари, "Авесто"да инсон ва табиат, ҳаёт ва унинг моҳиятига доир илк тасаввурлар ўз аксини топган. Бу бебаҳо асарни умуминсоний қадриятлар мақомига эга дейиш мумкин. "Авесто" инсониятни эзгуликка даъват этувчи руҳий ва маънавий чақириқдек янграйди.

Маълумки, зардуштийликда қуёш ва сувга кучли эътиқод билан муносабатда бўлинади. Ушбу таълимотда олов муқаддас саналса, сув – покизалик тимсоли, зеро, улар – ҳаёт манбаидир. Барча жонзотлар, ўсимликлар сув билан тирик. Шунинг учун ҳам "Авесто"да "покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда тортувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудҳишдир", деб уқтирилади.

Шу билан бирга, "Авесто" инсоннинг энг нозик ҳиссиётларига мурожаат этади. Хусусан, тонгда хўроз қичқируви билан уйғонадиган одам, "Авесто"га кўра, ҳаёт мавжудлигини, у давом этаётганлигини, янги кун тонгида дилига янги умидлар ва покиза туйғуларни тугиши даркорлигини эсда тутади.

"Авесто" жаҳон фалсафий тафаккурининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган. Бельгиялик олим Жан Дюшен Гийёменнинг гувоҳлик беришича, "Шарқ ўғлонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Заратуштрани (Зардуштни) ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Исо таълимотидан тўрт аср аввал Грецияни бойитди. Заратуштрани Платон билган, Будда ва Конфуцийларнинг овози Европага етиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлган. Шунинг учун асрлар давомида Ғарб Қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Заратуштра орқали таниш бўлган".

"Авесто" фалсафаси том маънода ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун 1723 йилда инглиз сайёҳи (Жорж Бугер) Ҳиндистонда бўлганида "Авесто"нинг айрим қисмларини қўлга киритган ва юртига олиб келган. 1771 йилда бу китоб Анкетиль Дюпперрон томонидан француз тилига таржима қилинган.

Айниқса, зардуштийлик ғоялари машҳур файласуф Фридрих Нитшега ниҳоятда кучли таъсир қилган. Унинг 1883–1892 йилларда нашр этилган "Зардушт таваллоси" асари муаллифга катта шуҳрат келтиради. Ушбу нодир асар моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига ҳам ўгирилган.

Немис фалсафасининг энг машҳур намояндаларидан бири Гегель зардуштийликни инсоният тақдирини ўзида мужассамлаштирган ғоялар, аввало, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик тарғиботчиси сифатида баҳолаган: "Бу дин ёруғлик ва меҳр-оқибат динидир. У ёвузлик ва қоронғуликка қарши туради. Ёруғликнинг ёвузлик билан кураши, ҳаётнинг ўлим билан курашидир. Зороастранинг (Зардуштнинг) дини дунёнинг ривожланиши ва ҳаётнинг барҳаёт бўлишини, экин экишни, уй ҳайвонларини боқишни ва ерга қарашни талаб қилади".

Россиялик тадқиқотчи Л.Лелековнинг "Авесто" ҳозирги давр фанида" китобидаги маълумотга қараганда, XX аср охирларига келиб Европа тилларида ушбу маданий ёдгорликка бағишланган 1745 та илмий асар эълон қилинган.

"Авесто" инсониятни комилликка даъват этувчи табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни маънавий-руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, поклик, эзгу ният, Ватанни англаш каби юксак фазилатларни тарғиб этувчи асар экани шубҳасиздир. Инсоният тамаддунини ушбу дурдонасиз тасаввур этиш амри маҳол. Бугунги кунда ҳам у миллий истиқлол ғоямизни, мислсиз маданий бойликларимизни тарғиб қилишда бебаҳо манба вазифасини ўтамоқда.

Ушбу қимматбаҳо асарнинг туб маъно-моҳиятини "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" тамойили белгилаб беради. Мустаҳкам ҳаётий асосга эга бўлган ана шундай фикрлар – эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу иш бирлигининг жамиятимиз ҳаётининг устувор ғоясига айланиши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шундай экан, "Авесто" китоби кутубхоналаримиздан, таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларидангина эмас, ҳар биримизнинг шахсий китоб жавонимиздан ҳам ўрин эгаллаши лозим.

**Акмал САИДОВ,**
**профессор**

---

**Болаларга ўқиб беринг**

# ОДОБЛИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

**Анвар ОБИДЖОН,**
Ўзбекистон халқ шоири

Миттигина, қувноққина, ебтўймасгина бир Сичқонча бор экан. У суюкли онажониси билан бирга қишлоқдаги энг баланд, энг кўркам уйининг энг чуқур кавагида яшар экан.

Бир куни онажониси тўлпоқ Сичқончанинг бурнига бурнини ишқаб эркалатибди-да: «Мана, оёқ пайларинг пишиб, тилинг сайроқланиб, ташқарига ўзинг чиқиб ўйнасанг ўйнагудек бўлиб қолдинг, энди сал эсингни йиғиб ол, одобли бўл», деб насиҳат қилибди.

— Эсим-ку жойида, чунки қайси овқат ширинлигини яхши биламан, — дебди Сичқонча ўзини ўзи мақтаб. —Аммо одобли кўриниш учун нима қилишим керак, ойижоним?

— Кичкинтойларнинг одоби, биринчи ўринда, қандай салом беришидан билинади, — дея жавоб қайтарибди онажониси. — Ўзингдан каттароқларни учратганда, чиройли жилмайиб: «Ассалому алайкум», — десанг, улар ҳам сенга очиқ юз билан боқиб: «Ваалайкум ассалом», дейишади. Кейин ичларида «ниҳоятда одобли бола экан, ота-онасига минг раҳмат», деб қўйишади.

Буни эшитиб, Сичқончанинг завқи жўшиб кетибди. Қойилмақом салом бериб, бировлардан тезроқ раҳмат эшитгиси келибдида, шоша-пиша ташқарига йўл олибди.

Кавакдан чиқибоқ, унга чақчайганича тикилиб турган бўғирсоқсимон Мушукка йўлиқибди. Сичқонча шум бароққа жилмайиб қараб, «Ассалому алайкум, Миёвпочча!» деган экан, унинг кўзидаги ёвузлик бирданига сўнибди ва сал тамшаниб қўйиб: «Ваалайкум ассаломув в... Умринг узоқ бўлсин, ўтавер», дебди.

Биринчи дуодан кўнгли тоғдек кўтарилган Сичқонча қувончдан ирғишлаб-ирғишлаб бораётиб, чўққисоқол қари Эчкига дуч келиб қолибди.

— Ассалому алайкум, Эчкивой бува, — олдинги ўнг оёғини кўксига босибди Сичқонча.

— Ме-е, алайкум ассалом, — дея қироат билан алик олибди Эчки. — Кам бўлма, бўтам. Отангга раҳмат. Агар қорнинг оч бўлса, ке, манави думбулнинг четидан озгина кемириб ол.

Сичқончанинг думбулдан қиттак тотиб кўргиси келган бўлса-да, янаям одобли кўриниш учун нафсини тийиб: «Ташаккур, Эчкивой бува, ҳали ишим кўп. Кун ёруғлигида бошқаларгаям салом бериб чиқишим керак», дебди. Оппоқ соқоли шамолда байроқчадек ҳилпираётган қари Эчки унинг ортидан ҳавас билан тикилиб қолибди. Балки, «эҳ, қанийди, менинг невараларим ҳам шунақа ширинтой чиқиб, ҳаммадан дуо олиб юрса», деб ўйлагандир.

Ёшу кекса ўртасида қандайдир тенглик, ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирига яхшилик тилаш кайфиятини юзага келтирувчи мўъжизали «салом-алик» Сичқончанинг кўнглини тобора яшнатаверибди, янгидан-янги танишлар орттириш, самимий чеҳраларни кўпроқ кўриш умидида олдинга қараб бораверибди. Маккапоя тугаб, уватдаги ўтлоққа чиқиб келганида, ўсиқ шўралар орасида косасининг ичига бекинволиб ухлаётган Тошбақага кўзи тушибди. Сичқонча заррача иккиланмай, ўша ширали овозда «ассалому алайкум, Тошбақа тоға», дебди. Тошбақа эса уйғонмабди.




Сичқонча Тошбақанинг боши қайси томондалигини билолмай, косанинг теварагида уч-тўрт марта айланиб чиқибди. Охири таваккалига бир тарафда туриб олиб: «Ассалому алайкў-ў-м, Тошбақа тоға! Ҳой, сизга салом беряпман, тоғажон, алик олмаяпсиз-ку. Ҳў, Тошбақа тоға, яна бир марта ассаломалайкў-ў-м! Қачон алик оласиз? Юрагим ғаш бўп кетяпти, тоғажон!» дея худди эшикни қоққандек, Тошбақанинг косасини муштида тақиллатиб жаврайверибди. Бир пайт Тошбақа косанинг нариги ёғидан бошини чиқариб, уйқусираганча вайсаб берибди:

— Оббо-о, бу дунёда тинчроқ жой қолмабди шекилли... Ҳов, ким у ҳадеб орқа томонимга салом бераётган?

Шўрлик Сичқонча хижолат бўлиб, лип этганича ўзини ўтларнинг бағрига урибди. Ялангликка етиб борибоқ, зўр томошанинг устидан чиқиб қолибди. Шу ҳовлида яшовчи маймоқ ит ўзининг айтишига қараганда, юздан ошиқ «жаҳон урушлари»да қатнашиб, етмиш тўққиз жойидан ярадор бўлган шоввоз Тўрткўз қўшни Олапар билан суяк учун жанг олиб бораётган экан.

Шундай жанговар ҳайвонга салом бермай ўтсам, катта одобсизлик бўлса керак, деб хаёлидан кечирибди сичқонча ва уларга яқинроқ бориб, ёқимтой товушда: «Ассалому алайкум, паҳлавон Тўрткўз!» дебди. Итлар унга парво қилмай тишлашишлани давом эттиришибди. Сичқонча ҳам бўш келмабди, чангга беланган қўйи, уларнинг теварагида пизиллаб, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан бақириб-чақириб салом бераверибди:

— Ассаломалайкум! Ҳей, Тўрткўз, ассаломалайкум! Бу қанақаси, қулоқ борми ўзи? Ҳей, ассаломалайкум деяпман! Саломга алик қани? Бунақа қилиш яхшимас! Ассаломалайкум деб турибман-а!

Шунда Тўрткўз Олапарнинг елкасидан тишлаб узоқроққа отиб юборибди-да, то душмани ўзини ўнглаб олгунча, орада Сичқончага ўқрайиб: — «Вов алайкум! Кўнглинг тинчидими, қутулдимми? Бор, йўқол энди!» деб ириллабди, сўнг қайтадан олишувга киришибди.

Кутилмаган бундай совуқ муомаладан Сичқонча донг қотиб қолибди, тўсатдан хўрлиги келиб, юраги тўлиқиб кетибди. Юм-юм йиғлаганича ортга қайтаётганида, ярим йўлда яна қари Эчкига тўқнаш келибди. Эчки бу йиғи-сиғининг сабабини суриштирган экан, Сичқонча, ҳиқиллаб-ҳиқиллаб, Тошбақа ва Тўрткўз билан бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай айтиб берибди.

Сичқончанинг арзини тинглаб бўлгач, Эчки шундай дебди:

— Хафа бўлма, бўтам. Кейинги сафар қулайроқ вақтда учрашиб қолсанг, улар саломингга албатта алик олишади, сендан хурсанд бўлишади, мақташади. Ўзгаларга биринчи бўлиб салом бериш жуда хосиятли иш. Аммо, саломлашиш шарт бўлмаган ҳолатлар ҳам учраб туради. Отаонанг юмушлардан бўшаб, хотиржамроқ турган чоғда шу тўғрида секин гап очсанг, тушунтириб беришади.

Кўпни кўрган Эчкининг бу гапини эшитиб, Сичқончанинг кўнгли хиёл таскин топибди. Уясига қайтаркан: «Ўзгаларга салом бериш шарт бўлмаган пайтлар ҳам бўлар экан-да? Улар қандай ҳолатлар ўзи?» деб ўйлай бошлабди, буларни онажонисидан сўраб билиб олишни дилдилига тугиб қўйибди.

---

**Адабий ўйлар**

# Хаёлий кенгликларда сайр этиш саодати

Ҳар бир ижодкорнинг табиати ва иқтидори йўналишидан ўсиб чиқувчи бадиий услуби мавжуд. Аммо, ҳар қандай услуб инсон руҳий-психологик оламида кечаётган омонсиз кураш жараёнидаги иккиланишлар, айрим мағлубиятлар ва пировард ғалабаларни ишонарли тасвирлашга имкон берсагина ўзини оқлайди. Жаҳонда маънавиятга қарши қаратилган, инсон руҳий оламини забт этишга йўналтирилган жараёнлар кечмоқда. Инсониятни ўша фалокатдан асраб қолиш ва тийнатини юксалтириш учун эзгулик ҳамда жаҳолат кураши тасвирларида ёмонлик охироқибат ҳалокатга етаклашини ишончли бадиий далиллаш лозим. Хуллас, бугунги ўзбек адабиёти инсон маънавиятида содир бўлаётган камчилик ва нуқсонларни кўрсатишдан чўчимай, ўзлигини сақлаб келаётган маънавий юксак инсонлар образини яратиш орқали жаҳонга ўрнак бўла олади.

Шубҳасиз, бизда бадиий миллий тафаккур ривожига сезиларли таъсир ўтказаётган ижодкорлар анчагина. Бу ўринда адабиёт тарихини исмларгагина боғлаб қўйишдан тийилиб, новаторлик адабиёт тараққиётини белгиловчи ички омил эканига диққат қаратиш билан чекланамиз. Зотан, ҳар қандай бадиий-эстетик янгилик эртага анъанага айланишга маҳкум. Бугун нафис сўз санъатимизда янги изланишлар мавжуд экан, демак салоҳиятли ижодкорлар мавжуд анъанага эҳтиромли муносабатда бўлиб қолмай, давримиз бадиий-эстетик эҳтиёжларини ҳам теран ҳис этишмоқда.

Шу маънода, севимли адибимиз Асад Дилмурод қаламига мансуб яқинда нашрдан чиққан "Хаёл чўғланиши", ("Янги аср авлоди", — Тошкент, 2015, — 532 б.) китобини кузатиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу китобга ёзувчи сўнгги йилларда битган, айримлари илк ўқувчиси билан юзлашган, қисман адабий танқидчилик назарига тушишга улгурган "Хаёл чўғланиши", "Қўнғироқ", "Нарвон", "Кунсулув", "Ҳуфтон" тарзида номланувчи бешта ҳикоя, шунингдек, "Ранг ва меҳвар" романи жамланган.

"Ранг ва меҳвар" романи бадиий-эстетик замини "Хаёл чўғланиши" ҳикоясидан ибтидоланади. Шунинг учун адиб китобнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи роман номини эмас, нисбатан кичикроқ ҳажмдаги ҳикоя мавзусини сарлавҳага олиб чиққан. Ҳикояда тасвирланган бадиий воқелик бош қаҳрамон – гўзаллик излаб, илҳом ва ижод онларини кечинувчи рассомнинг дарвешона феъли ва унинг осуда гўшадаги антиқа устахонаси (кенг маънода жисми ва руҳи) ўртасидаги кураш тарзида намоён бўлади. Ҳикоя давомида поэтик ифода бадиий тасвирдан реалликка ва аксинча, реалликдан санъат асарига кўчиб туради. Аниқроқ айтганда, рассом матода тасвирлаган образлар тириклик оламига сакраб ўтишади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, китобга кирган янги йўналишдаги адабий ҳодиса санашга изн берувчи насрий асарлар назари ўткир, тафаккури теран ва хаёлоти учқур китобхонга мўлжалланган.

Роман сюжети тошқин воқеаси теграсида айланади. Конфликт шиддат билан ривожланиб ечим томон интилади. Ёзувчи китобхон диққатини муҳим нуқтадан чалғитмаслик, юз бераётган воқеалар хусусида унинг фаол фикрлашини таъминлашга интилади. Биламизки, одатда натижа сабабдан кейин келади. Адиб бу анъанани бузиб, оқибатдан сабабга қараб боради. У хроникали ва концентрик сюжет типларига хос жиҳатларни уйғунлаштириш, поэтик мукаммалликка хизмат қилдиришга эришади.

А.Дилмурод реаллик ва хаёлот, гўзаллик ва хунуклик, фожиавийлик ва комиклик сингари бир-бирига зид жиҳатларни ажабтовур тарзда бириктириб юбора олади. Шу маънода, ушбу романдаги образлилик инсон хаёлий кенгликларининг ошкора, тасвири орқали намоён бўлади. Тўғри, зоҳиран қаралса, ижодкор тасаввуридаги бадиий воқеликнинг бу каби ифодаси бир қадар ғайритабиий, ҳатто мантиқсиздай туюлиши мумкин. Чунки тасвир услуби талабига кўра бадиий ва реал воқелик ҳамиша ҳам бир-бирига мутаносиб келавермайди.

Биз романда милоддан аввалги, иккинчи минг йиллик даврида, юнон мифологияси ва динида Олимп худоси саналган Апаллон номини тез-тез учратамиз. Маълумки, Апаллон Кичик Осиё, Юнонистон, Римда санъат (шеърият ва мусиқа) ҳомийси ҳисобланган. Адиб ўз қаҳрамони Комрон Валини ўша мифологик қаҳрамон маънавий-руҳий қўллашини ва Санам, Носир охуну Тўра гуппонлар эса унинг табаррук номини оёқ ости қилишини таъкидлайди. Бу билан асл санъат асари асроридан бехабар бу "ҳомий" лар ҳар қандай тубанлик ва манфурликдан қайтмаслигига урғу беради. Романнинг айрим ўринларида юнон афсонасига кўра севги ва гўзаллик маъбудаси саналувчи Афродита (Венера) номи ҳам тилга олинади. Англашиладики, ёзувчи роман ёзишга киришар экан, Кичик Осиёдан тортиб, Кибрису Болқон оролларию Юнонистонгача тарқалган мифологик қарашларни назарда тутиб иш кўришга интилган. Бу билан бутун инсоният севги ва гўзалликни ҳамиша ардоқлаб келганини таъкидлашга эришган.

Шубҳасиз, тасвирий санъат тарихини ўрганиш ижодкорга табиатдаги мусибатли жараёнлар такрорланишини ақлий тасаввур қилиш ҳамда кечмиш хотиралари билан қалб тебранишларини уйғунлаштириш имконини берган. Тошқин туркуми устида ишлаётган рассом образини яратишга киришган ёзувчи бу борада эришилган тажрибалар билан танишмаслиги мумкин эмас. Муаллиф романда буюк француз шоири Жак Преверни (1900-1964) эслаши ва унинг рангтасвир қудратини ифода этадиган шеъри моҳиятини асарга сингдириб юбориши алоҳида аҳамият касб этади. Алҳол, романда буюк файласуф шоирлар Жалолиддин Румий, Алишер Навоий ўгитлари, исёнкор шоир Бобораҳим Машрабнинг ўтли сатрлари мазмун-моҳиятидан унумли фойдаланилганини яққол пайқаймиз. Бундай самарали изланишлар роман бадиий-эстетик руҳини кучайтириш, адиб эстетик идеали ва позицияси ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Хаёлий кенгликларда сайр этиш саодатини туйган Чўлпон: "Хаёл... хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир", — деб ёзган эди. Юқорида кузатганимиздек, инсоннинг нафақат хаёли, балки хотираси ҳам руҳий жараён экан.

**Исломжон ЁҚУБОВ**
**ТДПУ доценти,**
**филология фанлари номзоди**

**Юрт ярашиқлари**

# Бухоронинг замонавий обидаси

**Бухоро азал-азалдан ўзининг кўплаб осори-атиқалари билан машҳур бўлиб келган. Эндиликда эса истиқлол йилларида бунёд этилган "Кўҳна ва боқий Бухоро" меъморий мажмуаси ҳам Бухоронинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Мажмуанинг атрофида эман, каштан, япон сакураси, Қирим қарағайи, Сурия атиргули каби ноёб кўчатлар бўй чўзган боғ катта ҳудудни эгаллаган. Кенг майдоннинг қайси бурчагидан қараманг, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи улуғвор бўлиб кўзга ташланади. Монументнинг ён-атрофида мусиқали фаввора биллурдек шаффоф сув томчиларини кўкка сачратиб турибди. Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган баландлиги 18 метрли ушбу меъморий обида қуриб битказилганига беш йил бўлди.**



Зинапоялари орқали обида сари кўтарилганингизда, унинг теварагидаги зарҳал кошинлар ярқираб кўринади. Унда Бухоронинг тупроғи олтинга тенг, деган маъно мужассам. Думалоқ шаклда ишланган монументда Бухорони шариф шаҳарга айлантирган юртнинг фидойи, меҳнаткаш одамлари заҳмати олдида бош эгиш керак, деган ғоя ифода этилган.

Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хўжа Ориф Ревгарий, Хожа Али Ромитаний, Баҳоуддин Нақшбанд, Саид Мир Кулол, Абдурауф Фитрат, Олим Хўжаев, Садриддин Айний каби буюк мутафаккирлар, кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Уларнинг номлари обида теварагига зарҳал ҳарфлар билан зарб этилган ва нақшлар ўйилган.

Бу битиклар юқорисида "Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир" деган ҳадис ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзилган. Аждодларимиз ва уларнинг бугунги ворислари бу даъватни ҳаёт мазмунига айлантиришган. Зотан, Бухоронинг дунёда илм-маърифат маскани сифатида шуҳрат қозонгани бежиз эмас.

Бухоронинг қадимийлигидан дарак берувчи меъморий ёдгорликлар — Мағоки Аттор, Исмоил Сомоний, Чорбакр, Минораи Калон, Пойкент, Арк қалъаси, Лабиҳовуз, Чорминор, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси каби қатор обидалар тасвири ҳам тошга муҳрланган.

Баҳоуддин Нақшбанд сиймоси ёнида битилган "Дил ба ёру даст ба кор" ҳикмати донишманд аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меросининг ўзига хос намунаси сифатида бугунги авлодни маънавий комилликка даъват этади. Монументда тасвирланган асарларни бирма-бир синчиклаб кузатдим. Ундаги Лабиҳовуз мажмуаси ёзувнинг тепасида афсонавий семурғ қуши, панжасида ўлжасини олиб кетаётган ҳолати тасвирланган. Унинг ўлжаси тўкин-сочинлик, қут-барака рамзидир. Пойкент тасвири Пойкент кўҳна шаҳар бўлганлигини эслатади. Чор Бакр (XIV аср)да қурилган иншоотнинг олд кўриниши пештоқлари ва гумбазлари ҳайкалтарошликнинг барельеф услубида ишланган.

Меъморий обидада ишланган мақбара ва масжидларнинг тасвири ўз жозибаси билан томошабиннинг диққатини тортади. Обидадаги тасвирлар фалсафий маънога эга. Уч минг йилдан зиёд тарихга эга Бухоронинг ўтмиши ва бугуни бу иншоотда моҳир усталаримиз томонидан маҳорат билан ишланган.

Монументнинг марказий қисмида уч авлод – ота-она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва невара ҳамда уй қураётган ота ва фарзанднинг барельефли ҳайкаллари ифодаланган. Масалан, бобо билан невара тасвири ёшларга ибрат маъносида ишланган. Ниҳол ўтқазаётган бобо ва невара. Фарзандлар буни кўриб, "Ҳа мен ҳам ўзимдан боғ қолдиришим керак. Мендан кейинги авлод ундан баҳра олсин", деб мушоҳада қилади.

Ота-она ва бола, бу – оила муқаддас гўша, мустақиллигимизнинг тинчлигидир, деган рамзий маънони ифодалайди. Ҳар бир ёш оила бахтли ҳаёт кечириб, фарзанд тарбиялаб, уларнинг роҳатини кўришни ният қилади. Оила тинч ва фаровон бўлса, мамлакат ҳам гуллаб-яшнайди.

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланган. Ушбу обида миллий маънавиятимизнинг монументал ифодасидир.

Боғ атрофида айланиб юрган ёшларни кўриб, ич-ичимдан уларга ҳавас қилдим. Кечки пайт чироқлар ёниб, шаҳарнинг чиройига чирой қўшилади. Атроф ёруғлигидан инсоннинг дил баҳри очилади. Чет эллик сайёҳлар билан суҳбатлашарканман, Ўзбекистонни мақтаганидан, тинчлигига кўз тегмасин, деган сўзларини эшитиб, ич-ичимдан фахрланиб кетдим.

– Обиданинг фалсафий маънога эгалиги менда катта таассурот қолдирди, – дейди англиялик сайёҳ К.Жон. – Унда ўзбек халқининг бағрикенглиги, бой ўтмиши, бугунги куни ва буюк келажаги акс эттирилган. Бухоро ҳақиқатан ҳам дурдона шаҳар. Бу ердаги тарихий обида ва замонавий иншоотларни кўриб, юртингизга чин дилдан ҳавасим келади.

...Бугун Бухорони ушбу маданий марказ, ундаги беназир иншоотларсиз, айниқса, Истиқлол, Ватан, халқ ғурури ва эзгуликни тараннум этувчи "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу монументни диққат билан томоша қилган инсон Ўзбекистон деган буюк мамлакатнинг бетакрор масканларидан бири бўлган қадим ва донишманд Бухорога сеҳрланиб қолгандек ҳис этади ўзини ва унга бир умр мафтун бўлиб қолади.

*Хулоса қилиб айтганда, монумент атрофидаги ушбу бадиий манзаралар, халқнинг маънавий шаклланиши ва ривожланишидаги тарихий жараёнларни қамраб олган бўлиб, унда миллий ўзликни англаш, миллий тафаккур тарзи мўйқалам усталари томонидан маҳорат билан тасвирланган. Бу эса ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.*

**Мунира РАМАЗОНОВА,**
**санъатшунос**

**Иқтидор имконият қидирмайди**

Санъат кўнгилларга ором бағишлайдиган кучдир. Санъатга меҳр қўймаган кам бўлса керак. Ана шу меҳр туфайли рассом, ҳайкалтарош ёки бошқа санъат усталари етишиб чиқади.

# ОРЗУЛАР ҚАНОТИДАГИ РАССОМ

Расм чизиш табиатни севиш демакдир. Рассом турли ранглар воситасида ҳаётни акс эттиради. Рангларни бир-бирига қўшиб янги жилолар яратади. Мўйқалам соҳибларини ихтирочилар ҳам дейиш мумкин.

Юртимизда кўплаб рассомлар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда ёшлар орасидан ҳам ижодкор рассомлар шаклланиб келяпти. Шундай тенгдошларимиздан бири Лутфулло Қодировдир. У 1991 йилда Қўқон шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. Болалигидан рассомликка меҳр қўйган. Мана шу меҳр туфайли устози Турсунали Аҳмадалиевдан сабоқ ола бошлади. Устози у каби ёш иқтидорларга касб сир-асрорларини ўргатмоқда.

Қаҳрамонимиз 2000 йилдан Қўқон шаҳридаги «Иқтидор» имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш санъат марказида таълим олган. Унинг ҳам имконияти чекланган бўлишига қарамай санъат коллежини аъло баҳолар билан таъмомлади.

Энг қизиғи, Лутфулло расмни оёғи орқали қоғозга туширади. Рассом тинимсиз изланишда. Ўзи сингари болаларга рангтасвирдан сабоқ беришдан ҳам чарчамайди. У барча асарларида ранглардан ўринли фойдаланади. Уларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Мана шу қизиқишлари туфайли кўплаб танловларда мунтазам қатнашиб келяпти. У асосан табиат манзаралари ва натюрмортлар чизади. Бу матонатли ижодкорнинг гўзаллик яратишга интилаётгани эътирофга лойиқдир.

Яқинда Лутфуллонинг "Орзулар қанотида" деб номланган шахсий кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирни Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур очиб, ёш ҳамкасбининг ўз йўналишига эга эканини таъкидлади. Кўргазмада рассомнинг "Олтин куз", "Кўприк", "Чодак сой", "Баҳор", "Лайлаклар ини", "Қишлоқда", "Ипак йўл", "Тарихга назар", "Миср қизи", "Обод турмуш", "Элга хизмат — олий ҳиммат", "Жилға", "Кўл", "Тонг", "Зиё", "Натюрморт" каби асарлари ўрин олди.

Кўргазма зали мухлислар билан гавжум бўлди.

Рассомнинг келажакдаги орзулари бисёр. Биз ҳам унинг келгуси ижодига муваффиқият тилаб, сара ижод намуналарини кутиб қоламиз.

**Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

SPORT

## ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ АНГЛИЯДА ЕТАКЧИЛИК ҚИЛЯПТИ

**Англияда бўлиб ўтаётган шахмат бўйича Hastings International Chess Congress халқаро шахмат фестивалининг асосий турнири ҳисобланмиш Tradewise Hastings Masters ўзининг қизғин палласига кирди.**



Эътиборлиси, унда иштирок этаётган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Жаҳонгир Воҳидов барча рақибидан кўпроқ очко жамғарган ҳолда якка пешқадамлик қилмоқда. Мусобақанинг 8-турида венгриялик Фодор Тамашга қарши оқ доналарда ўйнаб, ғолиб чиққан ҳамюртимиз очколари сонини 6,5 тага етказди.

Ҳамюртимиз сўнгги турда германиялик Игор Хенкинга қарши қора доналарда баҳс олиб боради.

Бу йил 91-маротаба ўтказилаётган мазкур мусобақа нуфузли халқаро турнирлардан ҳисобланади. Турли йилларда Александр Алёхин, Макс Эйве, Михаил Ботвинник, Михаил Тал, Лайош Портиш сингари машҳур шахматчилар ҳам унда ғолиб чиққан.

## МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛМОҚДА...

**Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси яқинда бошланадиган 22 ёшгача бўлган футболчилардан иборат жамоалар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. Жамоамиз ўқув-машғулот йиғинлари доирасида кеча Хитой олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди.**

БААнинг Дубай шаҳрида ўтган учрашув хитойликларнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси тайёргарлик доирасида бугун Иордания олимпия терма жамоасига қарши назорат ўйинини ўтказади. Мазкур ўйиндан кейин вакилларимиз Осиё чемпионатида иштирок этиш учун Қатар пойтахти Доҳа шаҳрига йўл олиши кутилмоқда.

## ЗАЙНИДДИН — "РЕАЛ" БОШ МУРАББИЙИ

**Футбол бўйича 1998 йилги жаҳон чемпиони Зайниддин Зидан "Реал Мадрид" футбол клубининг бош мураббийи этиб тайинланди. У шу кунга қадар жамоани бошқариб келган испаниялик Рафаэл Бенитеснинг ўрнини эгаллади.**

Жаҳоннинг энг совриндор жамоаси саналмиш "Реал Мадрид" мавсумни омадсиз ўтказмоқда. Таркибида Криштиану Роналду ("Олтин тўп"нинг амалдаги соҳиби), Хамес Родригес (2014 йилги жаҳон чемпионатининг энг яхши ҳужумчиси), Гарет Бэйл (жаҳоннинг энг қимматбаҳо футболчиси) сингари "юлдуз"лар бўлишига қарамай, жамоа Испания примеросида 3-ўринни банд этиб турибди.

**Фахриддин РАҲИМОВ тайёрлади.**

# СПОРТ

## ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Шоҳимардон – Фарғона туманининг чекка ҳудудларидан. Қўшни давлат билан чегарадош мазкур қишлоқ мустақиллик йилларида янада чирой очди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2004 йилда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаси ёшлар билан доимо гавжум. Бу ерда кураш, бокс, волейбол, футбол, енгил атлетика, бадиий гимнастика каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароит яратилган.

– Олти ёшли неварамни кураш тўгарагига бердим, – дейди 84 ёшли Олимжон ота Нозимов. – Спорт масканида яратилган шароитлар билан танишиб, рости, кексайиб қолганимдан ўксигандай бўлдим.

Дарҳақиқат, бугун нафақат шаҳар ва туманлар марказида, балки чекка ва тоғли қишлоқларда қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари кўзни қувонтиради. Бу ерда болалар ўзларига маъқул спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Иродаси тобланиб, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгараётир.

2003–2015 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан вилоятда бунёд этилган 188 иншоотнинг 160 таси спорт масканларидир. Уларнинг замонавий жиҳозлар ва малакали мураббийлар билан таъминлангани ёш спортчиларимизнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритишида муҳим омил бўлмоқда.

– Спорт маънавий ва жисмоний баркамолликнинг муҳим мезонидир, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори Ў.Мамажонов. – 2015 йилда вилоятда 23 спорт иншооти барпо этилди. 2003-2015 йилларда спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 9 миллиард 250 миллион сўм маблағ сарфланди.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори болалар спортини янада ривожлантириш, ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Айни пайтда вилоятда 18 ёшгача бўлган 668 мингдан зиёд ўқувчининг 410 мингдан ортиғи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ота-оналар фарзанди спорт билан шуғулланишни бошлагач, ҳеч қанча вақт ўтмай ўқиши, юриш-туриши, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар кузатилганини айтади. Бу спортнинг фарзанд тарбиясида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мустақилликнинг илк йилларидан Фарғона вилоятида спортнинг бокс, белбоғли кураш, теннис, футбол каби турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. "Фарғона белбоғли кураш мактаби", "Рапқон бокс мактаби" каби таърифларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Айни пайтда спортнинг бошқа турларига ҳам ёшларда қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларининг ташкил этилгани маҳоратли спортчилар камолга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили "Умид ниҳоллари" мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган Фарғона шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси – "Damas" автомобили топширилди. 800 дан ортиқ оммавий спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларга барча ёшлар қамраб олинди.

Фарғоналик ёшлар қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев ана шундай ёшлардан. У 2015 йилда "Осиёнинг энг яхши боксчиси", дея эътироф этилди. Бокс бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов, Баҳодир Мамажонов, каноэда эшкак эшиш бўйича Элёр Мамадалиев, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ва бошқа кўплаб ёшларимизни бугун узоқ хорижда ҳам яхши билишади. Сарвиноз Саидхўжаева, Ҳулкар Тоҳиржонова, Камола Раҳмонова, Динара Маматибрагимова каби спортчи қизлар ҳам нуфузли халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади.



Қизларимиз учун спорт нафақат жисмоний чиниқиш, соғлом турмуш омили, балки лобарлик ва гўзаллик асоси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Айни пайтда вилоятда 196 мингдан зиёд қиз турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланаётир. Бадиий гимнастика тўгаракларига аъзо бўлган қизлар сони 5 мингдан ошди.

Буларнинг барчаси фарзандларимизни спортга ошно этиш, шу орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, камолот пиллапояларидан дадил одимлашига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасидир.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 5260 Буюртма — S-4827 1 2 3 4 5
*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*
**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12
**Топшириш вақти** — 20:00 **Топширилди** — 20:00
ISSN 2010-7528
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*
**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор* Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Элмурод НИШОНОВ
**«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**